ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

O'.K.U.F. F.T.U.U.

# Ishonch

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

2007 йил 7 апрел, шанба № 46 (2303)

**Аскари бақувват юрт қудратли бўлур, қудратли юртнинг аскари бақувват бўлур.**
**Амир ТЕМУР**



*Айни кунларда тиббий кўрик ва танловлардан муваффақиятли ўтган ўғлонлар Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 7 мартда қабул қилинган "Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ муддатли ҳарбий хизматга тантанали кузатиб қўйилмоқда.*

*Тошкент вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида ана шундай тадбир бўлиб ўтди. Унда ҳарбийлар, чақирилувчиларнинг ота-оналари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.*

**Муҳаммад АМИН, (ЎзА) олган сурат**

9 апрел – Амир Темур таваллуд топган кун

# «Адолат ва озодлик – дастурингиз бўлсин...»

### Халқаро Амир Темур жамғармаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али билан суҳбат

***— Дунё дунё бўлиб яралгандан бери қанчадан-қанча жаҳонгирлар келиб-кетган. Улар орасида миллатимиз фахр-ифтихори бўлмиш Амир Темурнинг алоҳида ўрни бор. Ул зот ҳамиша «Куч — адолатда!» деган шиорга амал қилиб, дунёда яхшилик ва эзгуликнинг барқарор бўлиши учун бутун умрини сарфлаган. Президентимиз айтганларидек, «Амир Темур шахсини идрок этиш тарихни идрок этиш демакдир. Амир Темурни англаш ўзлигимизни англаш демакдир. Амир Темурни улуғлаш тарих қаърига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажагимизга ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир».***

***Суҳбатимизни Амир Темур бобомизнинг тафаккури ва бетимсол маънавиятидан бошласак.***

— Ўтмиш тарихчилари асарларида Амир Темурнинг маънавий оламига оид битилган қайдларни ўқиб чексиз ҳайратланаман. Соҳибқирон Амир Темур ўз салоҳияти, туғма қобилияти ва интилувчанлиги билан буюк салтанат соҳибига айланади. Уни халқ ичидан чиққан қаҳрамон дейиш мумкин. Ёшлик пайтиданоқ одамларнинг бошини қовуштириб, бир мақсад сари бошлаш қобилияти билан ажралиб турган. Ҳамиша эл-юрт манфаатини ўз манфаатидан устун қўйган. Халқ бахти учун курашган. Бундай фазилат маънавияти юксак, теран тафаккурга эга инсондагина бўлади. Самарқанд, Шаҳрисабз, Бухоро, Тошкентда у барпо эттирган гўзал ва маҳобатли иморатлар ҳам ана шу бетимсол тафаккур ва маънавиятнинг белгисидир.

***— Француз тарихчиси Груссе XX аср бошларида «Амир Темурнинг Боязид устидан ғалабаси христиан оламини асраб қолди», деб ёзган эди. Улуғ муаррихнинг фикрларидан шуни англасак ҳам бўладики, Соҳибқироннинг қалби бамисоли уммон бўлган. Унда дини, тили, давлатидан қатъи назар барча инсонлар Аллоҳ даргоҳида тенгдир, деган эзгу тушунча мужассамлашган. Шу боис ул зот қаерга қадам босмасин, ортидан маънавият ва эзгулик кириб борган. Йигирма тўрт ёшида катта сиёсат саҳнасига кириб келган Амир Темурнинг тарихдаги ўрнини қандай баҳолайсиз?***

— Дунё олимлари ичида француз тарихчилари Амир Темур шахсига адолатли ёндошиб келганлар. Улар бу борада янгича назар, холисона қарашни илгари суриб, илмий китоблар чиқаришяпти, пьесалар яратишяпти. Шунинг ўзи буюк бобомизга оид тарихий ҳақиқатнинг жаҳонда тан олина бошланганлигидан далолат. Аммо афсус билан айтиш лозимки, Амир Темур ҳақида бирёқлама фикр юритиш Европадаги баъзи давлатларда ҳамон давом этмоқда. Ғарбликлар ул зотни фақат саркарда сифатида эътироф этишга ўрганиб қолишган. Ҳолбуки, Соҳибқирон ҳазратлари юртни мустамлакачилардан тозалаган, мамлакатни бирлаштириб, марказлашган қудратли давлат барпо этган буюк шахс бўлган. Салтанатида адолат ва эркинлик ҳукмрон бўлишини таъминлаган.

Амир Темур сиёсатида бағрикенглик асосий мезон бўлган. У тасарруф этган ҳудудларда этник маънода халқлар ўртасида нифоқ, жанжал чиққанлиги ҳақида тарихий манбаларда ҳеч қандай маълумот учратмаймиз. Аксинча, ислом дини ҳомийси бўлишига қарамай, бошқа диндагиларни ҳам, эътиқодларни ҳам ҳурмат қилади. Илм-фан, маданият, санъат, ҳунармандчиликни ривожлантиришга асосий эътиборни қаратади. Амир Темурнинг қалби маънавиятга бой бўлмаганда, ўша даврда Самарқанд илму урфон маркази, рўйи замин сайқалига айланармиди! Қолаверса, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Мирзо Бобур каби улуғ аждодларимизнинг жаҳонга машҳур инсонлар бўлиб етишишида, шубҳасиз, Амир Темур юксак замин яратганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Шунингдек, унинг бунёдкорлик фазилатини эсга олиш ҳам Амир Темурнинг буюклигини англашимизга кўмак беради.

***— Амир Темур ўз даврининг беназир ислоҳотчиси ҳам бўлган. Ул зот ҳамкорликсиз истиқбол бўлмаслигини теран идрок этиб, дунёнинг ривожланган давлатлари билан дўстлик алоқаларини йўлга қўйган. Бундан Соҳибқироннинг кўзлаган мақсади нима эди?***

*(Давоми 4-бетда).*

*Шанба ҳикмати*

*Инсон табиатан тўғридир. Агар ҳаёт давомида бу тўғрилик бой берилса, ҳақиқий бахтга эришиб бўлмайди.*

*Хабар*

# ҚУТ-БАРАКАЛИ НАВРЎЗ

Жиззах вилоятининг барча туманларида баҳор ва яратувчилик айёми кенг нишонланмоқда. Дошқозонларда сумалаклар пиширилиб, кўклам таомлари дастурхонга тортилмоқда. Дуогўй отахону онахонлар фотиҳага қўл очиб, Яратгандан эл-юртга осойишталик, қут-барака, тўкин-сочинлик, ризқ-насиба тиламоқда.

Наврўз байрамига янги иншоотларни фойдаланишга топшириш анъанага айланиб қолди. Бўстон шаҳарчасидаги вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли «Кар-соқов болалар», шунингдек, «Заиф эшитувчи болалар» махсус мактаб-интернати янги биноси фойдаланишга топширилди. Вилоят кўзи ожизлар шифохонаси, Жиззах шаҳридаги 1-оилавий табобатхона мукаммал таъмирланди. Вилоят болалар сил касалликлари санаторийси қайта қурилди.

Мирзачўл туманида қозоқ мусиқали драма театри, туман молия бўлими бинолари қад ростлаган бўлса, Пахтакорда 2 та ун ишлаб чиқариш, ёғмой корхонаси тўла қувват билан ишлай бошлади.

**А.АЗИМОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

| МАРКАЗИЙ БАНК АХБОРОТИ | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | 1 Австралия доллари 1016,67 | 1 БАА дирҳами 340,75 | 1 ЕВРО 1670,88 | 1 Хитой юани 161,90 | 1 Турк лираси 900,09 |
| | 1 Англия фунт стерлинги 2461,72 | 1 АҚШ доллари 1251,13 | 1 Россия рубли 48,10 | 1 Қувайт динори 4324,68 | 1 Япон иени 106,19 |

# Хабарлар

## Миллий дастур асосида

***Қашқадарё вилоятида «Саломатлик» кунлари доирасида таълим муассасалари раҳбарлари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, «Камолот» ижтимоий ҳаракати вакиллари, халқ таълими ва тиббиёт ходимлари иштирокида икки кунлик семинар-тренинг бўлиб ўтди.***

Саломатлик кафолати ва миллат камолотига бағишланган тадбирда ўқувчилар ўртасида темир моддаси билан бойитилган ун ва йодланган тузнинг аҳамиятини тушунтиришга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориш хусусида фикрлашиб олинди. Ўзбекистон Республикасининг «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни, Президентимизнинг 2005 йил 11 августдаги «Унни бойитиш бўйича миллий дастур лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш борасидаги ишлар таҳлил этилди.

БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси бошлиғи Р. Хосайний, жамоатчилик билан алоқалар ва маркетинг бўйича маслаҳатчиси Р. Ҳайдаров, «Соғлом авлод» жамғармаси мутахассиси Д. Шарипова, республика Гематология ва қон қуйиш институти қошидаги камқонлик маркази директори Д. Сулаймоноваларнинг чиқишлари, айниқса, қизиқарли бўлди.

**Иззат ҲИКМАТОВ.**
**"Ishonch" мухбири**

## Саломатлик поезди Бухорода

«ЭКОСАН» халқаро ташкилоти бир неча йилдан буён республикамизнинг чекка ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳолига инсонпарварлик ёрдамини бериб келмоқда. «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акционерлик компанияси ҳамда Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш Фонди (ФОПСИ) ҳамкорликда Бухоро вилоятига Тошкент шаҳридан 15 нафар юқори малакали шифокор ва тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган, 40,5 миллион сўмлик инсонпарварлик юки ортилган махсус «Ўзбекистон темир йўллари—ЭКОСАН-ФОПСИ» саломатлик поезди жўнаб кетди.

Шифокорлар вилоятнинг турли туманларида бўлиб, аҳолини тиббий кўрикдан ўтказадилар. Кийим-кечак, кўрпа-тўшак ғилофлари, болалар пойафзаллари, дори-дармонлардан иборат инсонпарварлик ёрдами вилоятнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож, ёлғиз кексалар, нафақахўрлар, ногиронлар, кўп болали, кам таъминланган оилалар ва ижтимоий муассасаларга топширилади.

**Мактуба МЎМИНОВА,**
**"Ishonch" мухбири**

## Бой илмий мерос ҳақида қўлланма

«Хоразм Маъмун академияси ва унинг илм-фан тараққиётидаги ўрни» деб номланган услубий қўлланма чоп этилди. У ўрта махсус касб-ҳунар таълим тизимида ташкил этилган қўшимча ўқув курслари учун махсус тайёрланди. Ўқувчи ёшларни ўзбек халқининг қадимий ва бой илмий-маънавий меросининг кенгроқ ўрганилишига қўлланма бўлиб хизмат қиладиган бу янги нашр тарихий маълумотларга кенг ўрин берилгани билан ҳам аҳамиятлидир. Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан босмага берилган «Хоразм Маъмун академияси ва унинг илмфан тараққиётидаги ўрни» қўлланмаси лицей ва коллеж ўқувчилари билимини баҳолаш учун ҳам хизмат қилади.

Ўзбекистон тарихи давлат музейида ўтказилган янги нашр тақдимотида мазкур китобга яхши баҳо берилди.

**Акбар АЛИЕВ**

# Мулоқотнинг тўртинчи тури

## Миришкор туманидаги "Гулистон" маҳалласининг раиси Алланазар Шомирзаевга!

***Ассалому алайкум, ҳурматли Алланазар!***

"Ишонч" газетасида (2007 йил 1 март) чоп этилган "Эҳтиромимни қабул қилинг, азизлар" деган мактубингизни мамнуният билан ўқиб чиқдим ва ўзимда Сизга жавоб хат ёзишга зарурат сездим, токи эҳтиромингизга нисбатан ўз миннатдорчилигим аён бўлсин.

Маълумки, ҳозирги кунда мулоқотнинг тўрт тури мавжуд: ғойибона суҳбат, дийдор, телефондаги сўзлашув ва мактуб.

Ғойибона суҳбат ҳаммада ҳам бўлиши мумкин, лекин қалби катта, мулоҳаза ва мушоҳада доираси кенг ва чуқур, хаёли учқур одамларда ғойибона суҳбат тез-тез ва мазмундор бўлиши турган гап. Хўш, ғойибона суҳбат кимлар билан бўлади? Дўст билан ҳам, рақиб билан ҳам. Ғойибона тарзда киши дўстига, севгилисига мурожаат қилиб, юрагини ёриши, хаёлан уларни тинглаши, дакки бериши ёки кечирим сўраши, ёки тун бўйи тортишиб, уришиб чиқиши ҳам мумкин.

Дийдор! Ривоят қилишларича, одамлар бир-бирлари билан дийдор учун – кўришиб туриш учун дунёга келишар экан. Лекин ким билан дийдор кўришасиз, бу турмушда муҳим нарса. Инсоннинг бахти ҳам, бахтсизлиги ҳам кўп жиҳатдан ана шунга – кимга дуч келиб қолишига боғлиқ. Яхши одамга, кўнгилдаги одамга тўғри келсангиз, бу — буюк бахтдир. Аксинча бўлса, катта бахтсизликдир. Дўстлар дийдорига нима етсин:

*Жаҳоннинг шодлиги йиғилса бутун,*
*Дўстлар дийдоридан бўлолмас устун.*

Телефондаги сўзлашув ҳозир турмушга кенг ва чуқур кириб кетган, замонавий ҳаётнинг узвий бўлаги бўлиб қолган мулоқот туридир. Эндиликда турмушни телефонсиз тасаввур қилиб бўлмай қолди. Лекин мулоқотнинг бу тури дийдор қадри даражасида эмас, бўлолмайди ҳам. Дийдорнинг телефондаги суҳбатдан бир фарқи шундаки, дийдорда қулоқдан бошқа кўз ҳам иштирок этади, кўз кўзга тушиб, юз юздан нур олиб туради. Телефондаги илтимос бажарилмаслиги, ўтинч кечирилмаслиги ҳам мумкин. Лекин шундай илтимос билан лутфан ва шахсан мурожаат бўлса, сўровингиз қондирилади, узрингиз қабул этилади. Юз амри иссиқ, деб бежиз айтмаймиз. Дийдор инсоний мулоқотнинг энг улуғ туридир.

Мактуб орқали мулоқот қилиш бугунги кунда, айниқса, телефон алоқаси, жумладан, қўл телефони орқали боғланишлар тобора кучайиб бораётган ҳозирги даврда бироз эскиргандек, ибтидоийдек туюлади, мактуб орқали мулоқот қилиш муомаладан, афсуски, четга чиқиб бормоқда. (Бир мисол: "Фан ва турмуш" журналининг 1989 йил 3-сонида каминанинг "Тил ва эл – жон ила тан" деган мақоласи ёритилганда журналхонлардан таҳририятга 30 минг(!)дан ортиқ мактуб келган, бу ҳақда ушбу журналнинг бош муҳаррир ўринбосари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Комил Холмуҳамедовнинг каттагина бир мақоласи «Ҳуррият» газетасида босилган эди.)

Тўғри, умрида бир марта хат ёзмаган одамлар бўлса ажаб эмас. Бироқ мактуб орқали мулоқот қилиш хат битувчидан ҳам, хат олувчидан ҳам масъулият талаб қилади. Чунки мактуб айни пайтда ҳужжатдир, агар йирик шахслар ёзган бўлса, ноёб тарихий-адабий ёдгорлик ҳамдир. Мактубда ҳар хил ва ҳамма гаплар ёзилавермайди. Айримлар аччиқ устида, жаҳолатга берилиб айтиб юборган сўзидан тониши мумкин. Бироқ мактубда ёзиб қўйган гапидан ҳеч ким тонолмайди.

Одатда кўпчилик мулоқотнинг уч туридан фойдалана олади. Лекин ҳаммага ҳам хат ёзиш қобилияти ва эринмай ёзиб ўтириш учун чидам берилмаган. Бунинг учун қалам соҳиби бўлиш ҳам керак. Матбуотда ёритилган мактублар алоҳида ижтимоий аҳамиятга эга.

Ҳурматли Алланазар, "Ўзбек маҳалласи" номли мақолам муносабати билан ёзган мактубингиз ана шундай ижтимоий аҳамият касб этган хатдир. Унда ушбу мақолага нисбатан ижобий фикр билдириб, жумладан, бундай ёзибсиз: "Фикримча, бу эссени китобча ҳолда чоп этиш, "Маҳалла" газетасига ҳам бериш керак. Токи бу ҳар бир ўзбек хонадонигача кириб борсин. "Ўзбек маҳалласи Ватан равнақи ва абадийлигига асос, ўзбеклика макон" экан, эссе ўзбек маҳаллагагина эмас, ўзбек халқига унинг кимлигини билдирувчи, ойдинлаштирувчи ихчамгина қадриятномадир".

Ҳурматли иним Алланазар, таклифингизни ўринли деб билиб, "Ўзбек маҳалласи"ни нашриётларимиздан бирига ҳамда "Маҳалла" газетасига чоп этиш учун топширдим. Ёзувчининг ёзувчига, газетхоннинг таҳририят ва муаллифга таклиф, тавсия ва илтимосларини инобатга олиш ва амалга ошириш, ижобий баҳоларидан руҳланиб, танқидий фикрларига қулоқ солиш вожибдир. Зеро, китобхон, журналхон ва газетхонларнинг мактублари нашр учун, рамзий қилиб айтганда, ён илдизлардир. Ён илдизлар қанчалик кўп, теран ва бақувват бўлса, нашрнинг жамиятга боғланганлиги кучли ва нафи шунчалик кўп бўлади, маънавий самаралар келтиради. Назаримда, таҳририятлардаги энг катта бўлим хатлар бўлими бўлиши, уларда энг малакали, энг тажрибали, энг жонкуяр, энг фидойи ходимлар ишлаши мақсадга мувофиқдир. Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари бораётганимиз ҳам шуни тақозо этади.

Сизга турмушда, ишда ва жамоатчилик фаолиятингизда катта ютуқлар тилайман, "Гулистон" бундан буён ҳам бўстон бўлиб қолаверсин.

Камоли эҳтиром билан,

**Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ,**
**Ўзбекистон санъат арбоби, ёзувчи**

Табиат ва биз

# Чиқиндидан тайёр маҳсулот

***Саноат чиқиндилари ва маиший чиқиндиларни қайта ишлаш экологик муаммоларнинг олдини олади. Давлатимиз томонидан бу борада қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Инсон ҳаёти ва саломатлиги, атроф-муҳитга кўрсатаётган салбий таъсирни камайтириш ҳамда ундан хўжалик фаолиятида оқилона фойдаланишга катта аҳамият қаратилмоқда.***

Мамлакатимизда ҳар йили 100 миллион тонна саноат чиқиндилари ҳосил бўлади. Уларнинг энг кўп миқдори тоғ-кон саноати корхоналарига тўғри келмоқда. Шу ўринда кўмир ишлатувчи электростанциялар, нефтни қайта ишлаш, кимё саноати, автомобил, озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи корхоналарни эслатиб ўтиш кифоя.

"Тошкент шаҳри санитар ҳолатини яхшилаш тизимини такомиллаштириш" инвестицион лойиҳаси доирасида қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ инфратизимни яхшилашга қаратилган тадбирлар ўтказилди. Аҳоли яшайдиган мавзеларда қаттиқ чиқиндиларни йиғишга мўлжалланган 390 та қурилмадиган ва 750 та қурилмайдиган пунктлар ташкил этилди. Пойтахтимизнинг Ҳамза, Яккасарой, Юнусобод туманларида чиқиндини қайта ишлаш станциялари қурилди.

«Промкартонторг» акционерлик жамияти томонидан қоғоз чиқиндиларидан картонли идишлар тайёрлаш ва "Авесто-Шамс" хусусий фирмаси томонидан ишлатилган полимер материаллари чиқиндиларидан пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

"Саноат чиқиндилари ва маиший чиқиндилар ҳамда инсон саломатлиги" дастурига биноан тўпланаётган чиқиндиларнинг ўз вақтида олиб чиқиб кетилишини таъминлаш мақсадида махсус техника харид қилинди.

Шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғинлари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари раҳбарлари чиқиндиларни тегишли ҳудудга жойлаштириш, аҳоли турар-жойларидан уларни олиб чиқиб кетиш, контейнерлар ва кўчаларда ёқилишини олдини олишда фаол иштирок этмоқдалар.

**Азамат КОМИЛОВ,**
**Тошкент Молия институти талабаси**

# Хатлар — ҳаёт ойнаси

## Газета ва газетхон

Қарор ва ижро

## ДЕБИТОР ҚАРЗЛАР КАМАЙМОҚДА

Халқимизда дардинг бўлса ҳам қарзинг бўлмасин, деган нақил бор. Қарз қарзни чақиради. Ҳаётимизни электр энергиясиз тасаввур қилиш қийин. Чунки бу ноёб манба кундалик турмушимизнинг муҳим бир бўлагига айланган.

Вазирлар Маҳкамасининг «Электр энергиядан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори истеъмолчилар билан электр энергиясини етказиб берувчи корхоналар ўртасидаги ўзаро муносабатни тартибга солишда муҳим аҳамият касб этаётир.

Қўрғонтепа тумани давлат солиқ инспекцияси томонидан мазкур қарор ижросини таъминлаш борасида ижобий натижаларга эришилмоқда. Тўлов муносабатларини яхшилаш мақсадида мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда жойларда бир қанча семинарлар, маҳаллаларда ва корхоналарда учрашувлар уюштирилди.

Шунга қарамай 211 та хўжалик юритувчи субъектларда 174 миллион сўмлик дебитор қарз мавжуд бўлиб, 99 миллион сўми тўлов муддати ўтказиб юборилгани таассуфланарли.

Масалан, «Сувоқава» ишлаб чиқариш корхонасида 51 миллион сўм, қишлоқ хўжалиги корхоналарига сув етказиб бериш билан шуғулланувчи насос станциялари корхонаси зиммасида 25 миллион сўмлик қарзлар мавжуд.

Дарвоқе, ана шу мавзуда йил бошида «Ишонч» газетасида «Нури ёқади-ю, пули чақадими?» сарлавҳали танқидий мақола ҳам чиққанди. Шундан сўнг тизимдагилар ҳаракати билан аҳоли ўртасидаги жуда катта қарздорликка барҳам берилди. Шунингдек, 20 дан ортиқ ташкилотларда бу борадаги нуқсонлар барҳам топди. Муҳими, фойдаланганлик учун тўлов тушумлари муддатида амалга оширилаётганлиги боис, электр энергиясидан узилишлар бўлмаяпти.

**Исломжон ЭРАЛИЕВ,**
**Қўрғонтепа туман ДСИ бошлиғининг 1-ўринбосари**



*Қора қошларга ўсма ярашади...*

Миннатдорлик

## АДОЛАТ ҚАРОР ТОПДИ

Ўтган йили Гурлан туманидаги собиқ «Намуна» ширкат хўжалиги тасарруфидан қишлоқ фуқаролар йиғини кенгаши қарори бўйича уй-жой қуриб олишимиз учун 0,12 сотих ер майдони ажратилганди. Бироқ шу жойда деҳқончилик қилаётган «Уктам — Шомурод» фермер хўжалиги раҳбари асоссиз равишда мулкимизни ўзига қўшиб олди.

Шундан сўнг кўпгина мутасадди ташкилотларга, жумладан, суд, прокуратура ва ҳокимликка ёзма ва оғзаки равишда мурожаат қилиб кўрдик, лекин натижа чиқмади: ҳар гал турли баҳоналарни рўкач қилишарди. Охири, касаба уюшмалари Федерацияси нашри бўлмиш «Ишонч» газетаси орқали ҳақ-ҳуқуқи ҳимояланган кишилар шу жойга хат билан мурожаат қилишни маслаҳат беришди.

Янглишмаган эканмиз: аҳволимиз ўрганилгач, «Қозончининг эрки бор...» сарлавҳали танқидий мақола чиқди. Унинг шарофати билан нафақат мулкимиз ўзимизга қайтди, балки изсиз йўқолган хатларимизга ҳам жавоблар кела бошлади: жумладан, туман ер ресурслари ва давлат кадастри бошлиғи З. Ўрозалиевдан етти ой деганда жавоб олдик. Қисқаси, оиламизга ажратилган ер участкасини қонуний равишда ўзимизга қайтарилишида ёрдамини аямаган газета жамоасидан миннатдормиз.

**Бекиммат ЖУМАНИЯЗОВ,**
**Хоразм вилояти**

Тадбиркорлик

## ИНТИЛИБ ЯШАШ ГАШТИ

Қимирлаган қир ошар, дейишади. Бозор иқтисоди шароити бу нақлнинг топиб айтилганини яна бир бор кўрсатмоқда.

Ангорлик Самад Холтўраевнинг фермер хўжалиги туфайли 15 нафар киши ишли бўлди. Айни пайтда сут маҳсулотлари халқ таълими бўлими билан тузилган шартнома асосида болалар боғчаларига тарқатилмоқда. Шунингдек, «Таллимарон» фермерлар ҳудудидаги 7 та кам таъминланган ва 2 нафар боқувчисини йўқотган кишиларга ой сайин гўшт-сут маҳсулотлари бепул бериб турилибди.

Тадбиркор бу билан чекланиб қолгани йўқ: бизнес-режасида етиштирилаётган маҳсулотни шу жойнинг ўзида қайта ишлаш ва маҳалладошларидан яна 20 нафарига иш ўрни яратиш ҳам бор. Шу кунларда бу борадаги лойиҳа-сметалар тузилмоқда. Мулкдорнинг таъкидлашича, йил охирида мўъжаз цех қурилиб, фойдаланишга топширилади. Иш билганга минг танга, деганлари шу бўлса керак-да!

**Жасурбек НУРБОЕВ,**
**Сурхондарё вилояти**

Ўзини ўзи бошқариш органларида

***Қишлоқ аҳолиси моддий ва маънавий фаровонлигини юксалтириш ҳамда ижтимоий масалаларни кенг шакллантиришда ўзини ўзи бошқариш органлари, яъни маҳалла фуқаролар йиғинининг алоҳида ўрни бор.***

## *МАҲАЛЛАСИНИ СЎРАНГ*

**Шаҳрисабз туманидаги «Чоштепа» маҳалла фуқаролари йиғинида ҳам ижтимоий масалалар кўлами кенгайишига алоҳида эътибор қаратилаётир. Ўтган даврда маҳалла ва ҳомийлар ҳисобидан 3 километр узунликдаги кўчалар тартибга келтирилди. Қишлоқ аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланди.**

**Асосий эътибор кам таъминланганларни қўллашга қаратилмоқда. 2 ёшгача бола парвариши учун 64 нафар онага ҳамда 288 та муҳтож хонадон аъзоларига етарлича маблағ ажратилган.**

**Маҳалла тавсияси билан 20 нафар кишига «Микрокредитбанк»дан тадбиркорлик қилиш учун маблағ олиб берилганди. Айни пайтда касаначилик ва ҳунармандчилик ривожлантирилиб, 50 нафардан зиёд киши ишли бўлди.**

**Рўзимурод УМАРОВ,**
**Қашқадарё вилояти**

Жавоб

## ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Ишонч» газетасининг 2007 йил 13 март (№33) сонида чоп этилган «Давога муҳтож соғломлаштириш маскани» сарлавҳали танқидий мақоласи юзасидан қуйидагиларни маълум қилади.

Ҳақиқатдан ҳам А. Семашко номидаги Тиббий тикланиш ва физиотерапия ИТИ 2-клиникасидаги таъкидланган камчиликлар текширув жараёнида ўз тасдиғини топди.

Ушбу ҳолат шифохона ходимлари ўртасида муҳокама қилиниб, маъмуриятнинг 7-сонли буйруғига кўра ўз вазифасига совуққонлик билан қараган навбатчи врач Г. Ҳамидова, 2-терапия бўлими катта ҳамшираси З. Хаджанова ҳамда мазкур бўлимнинг хўжалик бекаси С. Зиявутдиновалар эгаллаб турган вазифасидан озод этилди. 2-терапия бўлим мудири Ш. Мақсудова ҳам вазифасидан озод этилиб, бўлим шифокорлигига ўтказилди. Физиотерапия бўлими катта ҳамшираси О. Колесник ва хўжалик бекаси Р. Қушмурадоваларга эса ҳайфсан эълон қилинди.

«2006 — 2008 йилларда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш тўғрисида»ги қарор асосида мазкур шифохона сотувга қўйилган.

**Ш. ҲОШИМОВ,**
**ДПЁББ бошлиғи**

Ташаббус

## ҲОМИЙЛАР КОМПЬЮТЕР ОЛИБ БЕРИШДИ

Норинлик фермерлар мўл-кўл маҳсулот етиштириб, эл маъмурчилигини таъминлаш баробарида, саховатли ишларни рўёбга чиқаришнинг ҳам ҳадсини олишган.

Жумладан, якунланган мавсумда 500 дан ортиқ мулкдор 180та кам таъминланган, 38 нафар боқувчисини йўқотган ҳамда 47-махсус интернат-мактабида тарбияланаётган болажонларнинг шарт-шароитини яхшилаш мақсадида ўз ҳисобларидан 50 миллион сўмдан зиёдроқ маблағ ажратишганди.

Ижтимоий ҳимоя йилида ҳам улар ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга кўмаклашиш ташаббускори бўлиб чиқишди: яъни тасарруфдаги 44 та мактаб ва бошқа ўқув муассасаларига Наврўз байрами муносабати билан 50 та компьютер совға қилишди.

«Каримжон Мўминбой ўғли» фермер хўжалиги бошлиғи Мақсудали Мўминов эса ўз жамғармаси ҳисобидан барча ўқув муассасалари кутубхоналарини янги китоблар билан тўлдиришга аҳд қилди. Шунингдек, яна 15 та фермер 22 та кам таъминланган ва кўп болали оилаларга бир бошдан соғин сигир тарқатди.

**Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ,**
**Наманган вилояти**

# «Адолат ва озодлик — дастурингиз бўлсин...»

## Халқаро Амир Темур жамғармаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али билан суҳбат

— Мамлакат ўз қобиғи ичида ривожлана олмаслигини теран англаган Амир Темур кўплаб ривожланган давлатлар билан борди-келди алоқаларини йўлга қўйган. Қўшнилар билан дўстона муносабатлар ўрнатган. Бу, ўз навбатида, ҳар томонлама тараққиётга омил бўлган.

Бундай алоқалар натижасида Шарқ ва Ғарбни боғловчи улкан иқтисодий ва маънавий кўприк вужудга келди. Хитой, Ҳиндистон, Франция, Англия, Рум, Испания, Италия, Миср ва бошқа давлатлар билан ҳамкорликда савдо алоқаларини кучайтиришга эришди. Савдо-иқтисод муносабатлари орқали халқлар, мамлакатлар ўртасида ягона макон барпо этиш борасидаги ютуқлар бугунги кун учун ҳам ибратли жиҳатлардир. Ўз элчиларини Европанинг етакчи мамлакатларига йўллаб, уларнинг элчиларини қабул қилганлиги ҳақида манбаларда кўпгина қизиқарли маълумотларни учратиш мумкин. Хусусан, Соҳибқироннинг Франция қироли Карл VI га ёзган номасидаги қуйидаги фикрлар эътиборимизни тортади. «Сиз ўз савдогарларингизни менинг салтанатимга юборинг. Биз уларни илиқ қарши олиб, иззат-икром кўрсатамиз. Биз ҳам ўз савдогарларимизни сизнинг юртингизга йўллаймиз. Сиз ҳам уларга ҳурмат кўрсатинг, уларга ортиқча тазйиқлар қилинишига йўл қўйманг. Сизга бундан бўлак талабим йўқ. Зеро, дунё савдо аҳли ила обод бўлажак». Нақадар пурмаъно сўзлар! Бунда Амир Темур сиймосидаги муҳим бир қирра намоён бўлмоқда.

***— Ҳа, Соҳибқироннинг ҳар сўзи бир дурдона. Уни ўқиб уққанинг сари тарих ва бугунни янада ёрқинроқ тасаввур қиласан ва ўйлайсан. «Агар бизнинг қудратимизни билмоқчи бўлсангиз, қурган биноларимизга боқинг», деганда Амир Темур нимани назарда тутган эди?***

— Бу сўзлар Амир Темур Шаҳрисабзда қурдирган олий иморат — Оқсарой пештоқига битилган. Инсон руҳиятидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бино қуришга киришган одамда эртанги кунидан умидворлик ҳисси кучли бўлади. Соҳибқирон саройлар, масжиду мадрасалар, мақбаралар бунёд этишдан келгуси авлодлар учун муносиб ибрат кўрсатишдек ният қилгани аниқ. Айни пайтда бу обидалар ўз давридагина эмас, бугунги кунда ҳам Амир Темур давлатининг қудрати ва маҳобатидан дарак бермоқда. Бу улуғ бобомизнинг жаҳоний шуҳратини таъминлаган.

***— Амир Темур ҳаётини Самарқанд ва Шаҳрисабзсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу шаҳарларда бунёд этилган обидалар ҳали-ҳануз буюк зотнинг салоҳиятидан сўзлаб турибди. Айнан мамлакатининг пойтахти қилиб Самарқандни танлаганида Амир Темур қандай мақсадни кўзлаган эди? Ҳолбуки, унинг киндик қони тўкилган замин кўҳна Кеш эди-ку.***

— Соҳибқирон Шаҳрисабз яқинидаги Хўжа Илғор қишлоғида дунёга келган. Ҳозир бу қишлоқ Яккабоғ туманига қарашли. Лекин ўша вақтда бу ерларда фақатгина Кеш деб аталган қадимий шаҳар мавжуд бўлиб, ушбу ҳудудлар учун марказ ҳисобланган. Шунинг учун ҳам Ибн Арабшоҳ ва Шарафиддин Али Яздий асарларида Амир Темур туғилган маскан Кеш деб айтилади. Темур бобомиз Шаҳрисабзни севиб, қадрлаб, у ерда гўзал бинолар қурдирган. Ҳаёти давомида бунёд эттирган энг улкан иморат бўлмиш Оқсаройни шу заминда барпо қилдирди.



Шу ўринда айтиш керакки, ҳар қандай инсонда ҳам туғилган жойига нисбатан меҳр баланд бўлади. Амир Темурда она шаҳрини мамлакатининг пойтахти қилиш фикри ҳам бўлган. Лекин нима учун бу ниятидан воз кечди, деган савол туғилади. Назаримда, бунинг биринчи сабаби, пойтахт бўлиш учун ҳам анъана керак. Дунёда қадимдан пойтахт бўлиб келган шаҳарлар бор. Самарқанд ана шундай масканлар сирасидан эди. Иккинчидан, бу шаҳар географик жиҳатдан ўрталиқда, марказда жойлашган. Гарчанд Чингизхон қўшинлари томонидан Самарқанд вайрон этилиб, қаровсиз аҳволга келган бўлса-да, Амир Темур юқоридаги омилларни эътиборга олиб, унга пойтахтлик мақомини беради. Шаҳарни қайтадан тиклаб, дунёнинг улкан маданий марказига айлантиради. Ахир, ҳар қандай давлатнинг куч-қудрати, машҳурлиги пойтахти билан белгиланади-да. Бу Соҳибқирон бобомизнинг ҳар бир ишига узоқни кўзлаб, жаҳоний фикр юритиб, қўл урганлигининг ёрқин мисолидир. Бу борада тор фикрлаган ҳукмдорлар бўлганлиги ҳам тарихдан маълум. Мисол учун, Амир Ҳусайннинг бобоси бир қишлоқни пойтахт қилган экан. У ўша ерни мамлакатига пойтахт қиламан деб умрини бехудага совурган...

Аммо Амир Темур Шаҳрисабзни бир дам бўлсин эсдан чиқармайди. Ул зот бу ерга тез-тез келишни ёқтирар экан. Ҳатто қабри Кешда бўлишини хоҳлаб, мақбара қурдиради. Унинг ўзига атаб қурдирган сағанаси бугунги кунгача сақланиб келган.

***— Тарихий маълумотларга кўра, бугун дунёнинг элликдан ортиқ мамлакатида темуршунос олимлар илмий изланишлар олиб бормоқда. Темур ва темурийларга бағишлаб кўплаб китоблар чоп этилмоқда. Ўтган даврда Европа тилларида 500 га яқин, Шарқда эса 900 дан ошиқ салмоқли асарлар яратилган. Сизнинг икки китобдан иборат «Улуғ салтанат» тарихий романингиз ҳам бу борадаги салмоқли ишларнинг давомидир. Ана шу тарихий асарингизнинг яратилиши хусусида сўзлаб берсангиз.***

— Жаҳон аҳлининг Амир Темур бобомиз шахсини ўрганишга қизиқиши ҳамиша кучли бўлиб келган. 600 йил вақт ўтибдики, бу зот ҳақида китоблар ёзиш, фильмлар яратиш каби ишлар кучайиб бормоқда. Ҳозирги пайтда ҳамма мамлакатларда бу борада кўплаб илмий ишлар қилинмоқда. Хусусан, ўтган йили Россияда рус тилида Амир Темурга бағишланган 3 та китоб нашрдан чиқди. Улар француз олими Жан Пол Ру, инглиз олими Харолд Лембнинг асарлари ҳамда «Темур тузуклари»нинг қарийб саксон йил бурун Панов деган рус олими томонидан қилинган таржимасидан иборат. Фахр билан айтиш мумкинки, дунёдаги бирорта шоҳ ёки саркардага бағишлаб Амир Темур ҳақидагичалик кўп асар ёзилмаган.

Бундан кейин ҳам бу борада кўплаб ишлар қилиниши керак деб ўйлайман. Юқорида айтганимдек хорижлик олимлар томонидан ёзилган китобларнинг аксариятида Амир Темурга бир хил нуқтаи назардан ёндошиш устувор. Яъни жаҳонгир, саркарда сифатида. Улуғ сиймонинг инсоний қиёфаси, ички дунёси-чи? Бошқалар каби у ҳам, айтайлик, оддий гулдан қанчалик гўзаллик завқини туйган бўлиши мумкин. Мен «Улуғ салтанат» тарихий романимни ана шу эҳтиёждан келиб чиқиб ёзганман. Амир Темурни оддий инсон сифатида тасвирламоқчи бўлдим. Унинг кечинмалари, ўй-хаёллари, суйган аёлига нисбатан муҳаббати, фарзандларига бўлган оталик меҳрини бадиий талқин этишга ҳаракат қилдим. Унда жанг-жадаллар тафсилотини камроқ тасвирлашни ўз олдимга мақсад қилдим.

Аслида Амир Темур менинг севган мавзуим. Бу асардан олдин ҳам Соҳибқирон образи яратилган достон, роман ва шеърлар ёзганман. Москвада, Адабиёт институтида ўқиб юрган чоғларимда, эркин адабий муҳит таъсири туфайли бўлса керак, халқимизнинг ўтмиши, маънавий илдизини бошқа халқлар тарихи билан солиштира бошлаганман. Шунда нақадар шонли тарихимиз борлигини, унда Амир Темур сиймоси юлдуздек порлаб турганлигини англаганман. Ўша вақтда шўро сиёсатининг ўтмишимизни қоп-қора қилиб кўрсатишига ичдан қарши чиққанман. Амир Темурга бағишлаб шеърлар ёзганман. Кейинчалик «Гумбаздаги нур» (1967) достоним ва «Сарбадорлар» (1989) романида бу мавзуни давом эттирдим. «Сарбадорлар»да Соҳибқироннинг 25-30 ёшлик даврларини қаламга олган бўлсам, кейинги асаримда бутун ҳаётини қамраб олишга интилдим. Ҳозир, худога шукур, ўқувчилар бу китобларни севиб мутолаа қилишмоқда.

***— Мамлакатимизда Соҳибқирон шахсини ўрганиш, ёшлар қалбида ворислик туйғуларини шакллантириш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Сиз раҳбарлик қилаётган жамғарманинг режалари қандай?***

— Жамғармамиз Амир Темур бобомизнинг башарият тарихида тутган ўрнини халқимиз, айниқса, ёшлар онгига сингдириш, дунёга кенг тарғиб қилиш борасида кўпгина ишларни амалга ошириб келмоқда. Ҳали зиммамизда қилиниши керак бўлган вазифалар жуда кўп. Бошқа мамлакатлардаги темуршунос олимлар билан ҳамкорликни янада кучайтириш мақсадида астойдил ҳаракат қиляпмиз. Қолаверса, хориждаги музейларда сақланаётган Соҳибқирон бобомиз ҳаётини акс эттирувчи ноёб манбаларни юртимизга олиб келиб, халқимизни баҳраманд этиш ниятидамиз. Амир Темур таваллудининг 671 йиллиги муносабати билан олий ўқув юртларида, коллеж ва лицей, қўйингки, барча маънавият масканларида учрашувлар ўтказилмоқда. Шунингдек, китоблар нашр эттирилди. Хуллас, бу сана халқимиз томонидан катта ҳурмат рамзи сифатида қаршиланади.

**Суҳбатдош: Тўлқин ШЕРНАЕВ, «Ishonch» мухбири**

# Тарбияда танаффус бўлмайди



## Садақа бермай кўринг-чи...

*Ҳазрати Абу Бакр розияллоҳу анҳу садақа тўғрисидаги ояти карима нозил қилингач, бор будини ғарибларга улашганлар, ўзларида эса ҳатто масжидга кийиб чиққани кийимлари қолмаган экан.*

*Ночор одамларга ёрдам қўлини чўзиш халқимиз қон-қонига сингиб кетган. Айниқса, садақа бериш кундалик ҳолат. Уни ҳеч қандай тайёргарликсиз, йўл-йўлакай бериб кетилаверади. Ҳадиси шарифда айтилишича, кишининг берган энг кичик садақаси 70 балони қайтараркан. Бироқ олувчи қўлдан берувчи қўл афзаллиги, шу билан бирга айрим ҳоллардагина тиланчилик қилиш жоиз эканлиги ҳам манбаларда кўрсатилиб ўтилган.*

*Афсуски, бугун жоиз бўлмаган садақа сўровчиларнинг ҳисобига етиб бўлмай қолди. Лўлилар жамоаси-ку майли, лекин тўрт мучаси соғ бўла туриб шу тариқа қийинчиликсиз пул топиш йўлига кирганлар ҳақида нима дейиш мумкин? Улар жамоат транспортларидан тортиб, автойўлларда, истироҳат боғларида, ҳатто ташкилот эшиклари олдида ҳам тез-тез учрайди. Айниқса дам олиш масканларига танда қўйганлари жуда «хавфли». Кичкина болачалар этагингизга маҳкам ёпишиб олади. Садақа бермай кўринг-чи, қўйиб юборармикан. Гўё шу ерда юрганингиз учун товон пули тўлашингиз шартдек.*

*Бир садақа сўровчини биламан. Ёши 17 дан ошган ўспирин йигит. Жамоат транспортига чиққандан сўнг унинг «актёрлик» маҳорати кўз ўнгингизда сайқал топа бошлайди. Одамларни ишонтириш учун бир пайтнинг ўзида турли кўринишга кира олади. Аллоҳ йўлига 17-шифохонада ётган касал синглиси учун мурувватини аямасликларини сўрайди. Аслида эса у бу ишни касб-корга айлантириб олган. Уйимиз олдидаги дўкончада шомдан сўнг хоҳлаган пайтингиз йигитчани учратишингиз мумкин. «Пешона тери билан» топган пулини ҳисоб-китоб қилиб, бугун 15 минг тушди ёки сал ўхшамади қабилида уч-тўрт улфати билан кунлик ишини муҳокама қилади. Кўнгли тусаганини еб-ичади.*

*Баъзида ўйлаб қоласан киши, тиланчиликни тирикчилик манбаига айлантириб олган бундайлар озмунчами? Нега энди биз уларга кўнгилчанлик билан қарашимиз керак. Айтмоқчи бўлганимиз, «Тошшаҳартрансхизмат» ходимлари ўз истеъмолчиларининг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаган ҳолда садақа сўровчиларни жамоат транспортларига чиқармасалар ажойиб иш бўларди. Сабаби, асабни бузадиган бақириқ ва «қўшиқ»лар йўловчиларни безор қилиб юборади. Уларнинг кўпчилиги касбий фаолият билан машғул кишилар, кайфиятига бу нарса таъсир қилмасдан қолмайди. Қолаверса, транспорт бозор эмас-ку.*

**Аброр УМАРҚУЛОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

***Ўксиб-ўксиб йиғлаётган Шамсия ва Ситора Ёқубоваларда нима айб? Онасидан ажраб қолмаганида, ўгай онаси Наргиза Ўзбекова уларни уриб тан жароҳати етказмаганида, дадаси Ҳасан Ёқубов спиртли ичимлик истеъмол қилиб келиб қизларини уриб, ҳақорат қилмаганида ўксишмасди, сираям йиғлашмасди.***

***Вояга етмаганларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисидаги қонунлар ижроси юзасидан ўтказилаётган текширишларнинг бирида Шамсия ва Ситоралар йиғисининг сабабини билиб олдик. Улар Зарафобод туман Саноатчилар маҳалласи Шифокорлар кўчаси, 10-уй, 2-хонадонида яшашади. Қарангки, хонадон соҳиби Ҳ.Ёқубов икки нафар фарзанди олдидаги оталик мажбуриятларини бажармасдан келаркан.***

## Оталикдан маҳрум қилинди

Жумладан, Ҳасан Ёқубов вояга етмаган фарзандлари 1997 йилда туғилган Ситора Ёқубова, 1994 йилда туғилган Шамсия Ёқубованинг тарбиясига етарли эътибор бермаётганлиги, иккинчи турмуш ўртоғи, яъни болаларнинг ўгай онаси Наргиза Ўзбекова томонидан уларни уриб, тан жароҳати етказилганлиги, Ҳасан Ёқубовнинг ўзи ҳам спиртли ичимлик истеъмол қилиб қизларини уриб, ҳақорат қилганлиги оқибатида Шамсия ва Ситора холаси Зиёда Рўзиеваникига кетиб қолганлиги, шу ерда яшаб қишлоқдаги 34-мактабда ўқишни давом эттираётганлиги аниқланди.

Оила Кодексининг 79-моддасида «Ота-она ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортса, ота-оналик ҳуқуқини суистеъмол қилса, болаларга нисбатан шафқатсиз муомалада бўлса, жумладан, жисмоний куч ишлатса ёки руҳий таъсир кўрсатса, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин» деб кўрсатилган.

Юқоридагиларга кўра туман прокуратураси Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 5, 46-моддаларини қўллаб фуқаро Ҳасан Ёқубов вояга етмаган фарзандларини тарбиялаш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ва оталик ҳуқуқини суиистеъмол қилганлиги учун Дўстлик туманлараро фуқаролик ишлари судига даъво аризаси билан мурожаат этди. Даъво аризасида Ҳасан Ёқубовни вояга етмаган фарзандлари Ситора ва Шамсияларга нисбатан оталик ҳуқуқидан маҳрум этиш, фарзандлари вояга етгунча Ҳасан Ёқубовдан алимент ундириш сўралган.

Суд Ҳасан Ёқубовни Ситора ва Шамсияларга нисбатан оталик ҳуқуқидан маҳрум этиш, қизлар тўлиқ вояга етгунча Ҳасан Ёқубовнинг иш ҳақи ва бошқа даромадларидан учдан бир қисми миқдорида Зиёда Рўзиева фойдасига алимент ундириш ҳақида қарор чиқарди.

Бу адолатли қарор воқеадан хабардор бўлганларга, барча маҳалладошларга маъқул бўлди.

**Туротбек ЛАТИПОВ,**
**ҳуқуқшунос**

## Ёшларни ёлғиз қўйманг

Ўтган йили Улуғбек Мингбоев ўртоқлари Обиджон ва Достон билан бирга Учкўприк йўлида Бахтиёр Мўминовнинг «Дамас» машинасини тўхтатишади.

— Бизни «Хон» ариғигача ташлаб қўйинг, — деди ёш бўлса-да, барваста Улуғбек. Йўловчининг ниятидан бехабар Б.Мўминов беш юз сўм эвазига уларни айтган манзилига олиб бориб қўйишга рози бўлди. Полохоннинг овлоқ жойига етганда Улуғбек ҳайдовчи билан жанжал чиқарди.

— Машинани тўхтат, — деб ўшқирди у.

Вояга етмаган уч ўспирин ва ҳайдовчи машинадан тушишди...

«Нимани эксанг ўшани ўрасан». Суд мажлисида иштирок этаётган Махсидали Мингбоевнинг хаёлидан ана шу мақол ўтган бўлса ажаб эмас. Ҳа, у панжара ортидаги қора курсида ўтириб йиғи аралаш ўз қилмишидан пушаймон бўлаётган жиноятчиларни телевизор орқали кўп кўрган. Бироқ энди ўша қора курсида унинг ўғли У.Мингбоев ўтирарди.

Улуғбек болалигидан эрка ўсди. Уйда уни айтгани айтган, дегани-деган бўлди. Ёши улғайиб бораётган бўлса ҳам бирор касбни эгаллай демасди. Кўплаб ўртоқлари коллеж ва лицейларга ўқишга кирган, бошқалари эса усталарга шогирд тушиб, бирови машина тузатар, бирови уй таъмирлаш билан машғул. Табиийки, Улуғбекни дадаси ҳар замон бериб турадиган бир-икки минг сўм пул қониқтирмай қўйди.

— Тошкентга бориб ишлаб келаман, — деди ҳали мактабни ҳам битирмаган ўспирин.

Ота-онаси унинг гапини икки қилишмади. Улуғбек 2006 йил март ойида Тошкентга кетди. У яшайдиган Учкўприк туман Полохон қишлоқ фуқаролар йиғини қаерга кетгани, нима билан шуғулланаётганини суриштирмади. Ҳатто у ўқийдиган мактаб, синф раҳбари ҳам бу билан қизиқмади.

Уч-тўрт ой Тошкентда юрган Улуғбек уйга қайтиб келди. Мусофирчиликда нима билан шуғулланди, кимлар билан дўст тутинди, булар билан ҳам ҳеч кимнинг иши бўлмади. Ўзига-хон, ўзига-бек Улуғбек жиноятга қўл урди. Ўртоқлари Обиджон ва Достонга «Хон» ариғи тўғонига чўмилишга боришни таклиф қилиб, ярим йўлга етишганда киракаш машинанинг ҳайдовчиси Б.Мўминовни машинадан тушириб, унга тан жароҳати етказди. Уни ажратишга ҳаракат қилган ўртоқларига «яқинлашсанг ураман» деб дўқ урди. Судда жабрланувчи Б.Мўминов судланувчи жанжал чиқарганини ва чўнтагидаги ўн беш минг сўм пулни очиқдан-очиқ тортиб олганини айтди.

У.Мингбоев айбни тўлиқ бўйнига олиб, қилган ишидан қаттиқ пушаймонлик билдирди. Жабрланувчига келтирган зарарни тўлиқ қоплади. Ишни кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Бувайда тумани суди унинг аввал судланмагани, вояга етмагани, қилмишидан пушаймон эканлигини ҳисобга олиб, бир йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига маҳкум этди.

**Улуғбек ИБОДИНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Фарзанд баҳоси қанча?

Она азиз, она муқаддас, мўътабар. У тунлар бедор боласига алла айтади, ўзи емай унга едиради, киймай кийдиради. Фарзандининг бахти учун ҳатто ўз бахтидан ҳам кечади. Афсуски, барча оналар ҳам шундай эмас экан. Суҳбатдошимиз куйиниб сўзлаб берди.

— Қонунларимиз ота-она зиммасига маълум мажбуриятлар юклайди. Жумладан, Конституциянинг 64-моддасига мувофиқ, оталар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Оила кодексининг 73-моддасида эса ота-она ўз болаларини тарбиялаши, соғлиғи, жисмоний, руҳий, маънавий ва аҳлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик кўрсатиши шартлиги таъкидланган. Бироқ ота-оналар орасида бу мажбуриятларни бажармайдиганлар оз бўлса-да, учраб туради. Масалан, Марина Кротова доимий равишда спиртли ичимликлар ва гиёҳванд воситалар истеъмол қилади. Бир неча йилдан буён алкоголизм ташхиси билан вилоят наркология диспансерида ҳисобда туради.

1990 йилда туғилган қизи Элина Кротованинг тарбиясига мутлақо бефарқ. Унга ғамхўрлик қилишни ўйламайди ҳам. Панд-насиҳатлар кор қилмагач охир-оқибат шаҳар прокуратураси фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманлараро судига М.Кротовани қонунда белгиланган тартибда оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳамда Элина Кротовани васийлик ва ҳомийлик органининг қарамоғига топшириш юзасидан ариза билан мурожаат қилди.

Суд ушбу аризани қаноатлантирди.

Яна бир мисол.

Гулбаҳор ҳам барча аёллар сингари бахтли бўлишни, яхши яшашни орзу қилар эди. Шу ниятда қўшни қишлоқдаги Салимга турмушга чиқди. Бироқ орадан тўрт йил ўтиб, турмуш ўртоғи автоҳалокат туфайли ҳаётдан кўз юмди. Гулбаҳор бир қиз, бир ўғли билан қолди. Қайнонаси уйдан чиқариб юборгач, ижарада яшай бошлади. Шароит бўлмагани учун болаларининг ўқиши ҳам аро йўлда қолди. Гулбаҳорнинг қўлида ҳунари, бирор тайинли иши ҳам йўқ эди. Кунларнинг бирида Анабиби исмли фолбиннинг таърифини эшитиб, йўл кўрсатар-ку деган умидда уни йўқлаб борди. Анабиби гапга чечан аёл экан.

— Бир қизинг бор экан, шу сени ниятингга етказади, — деди у.

Гулбаҳор бу гапдан хурсанд бўлди. Тез-тез фолбинникига борадиган бўлди. Бир гал борганида ўзининг иқтисодий аҳволидан, яшашга жойи йўқлигидан нолиди. Анабиби унга бўш турган уйида ижарада яшашни таклиф қилгач, ўша ерга кўчиб ўтди. Шу тахлит улар опа-сингил тутинишди. Кейин ҳам унинг муаммолари тугамади.

— Жонимдан тўйиб кетдим, ҳатто ижара ҳақини тўлашга ҳам пул йўқ, жуда қийналдим, - дея яна ҳасрат қилди Анабибига.

— Қизиқ экансан, кўз ёши тўккан билан нима ўзгаради? — деди Анабиби. — Пул топиш йўлларини излаш керак. Агар рози бўлсанг, менда бир таклиф бор.

— Қандай таклиф экан? — деди Гулбаҳор сергак тортиб.

— Қизинг ҳам кўзга яқин бўлиб қолди. Уни сотамиз.

— Нима?!

Аввалига Гулбаҳор қўрқиб кетди, анча ўйлади.

— Майли. Кимга сотамиз? — сўради у «қадрдон опасидан».

— Буёғи билан ишинг бўлмасин, харидорни ўзим топаман.

Анабиби харидор излаётганида таниши Назира шундай одам борлигини, қиз учун 300 000 сўм беришини, кейин ҳам хабар олиб туришини айтди.

— 150 000 сўмга харидор топилди. Фақат бир парча қоғоз ёзиб берсанг бас. Шу билан иш битади, — деди Анабиби Гулбаҳорга.

Она тилхат ёзиб қизини унга қолдирди...

Аёл шаънига, она номига номуносиб иш қилган, тубанликка йўл тутган кимсаларни энди қандай аташ мумкин?

**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,**
**«Ishonch» мухбири**

«Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига

***Эшик умид билан чертилганда унга бағрикенглик ила жавоб бермоқлик оқил кишининг фазилати. Ҳар тонг ишга йўл олар экан Баҳодир аканинг хаёлидан ота-боболарининг ана шу ўгити кечади. Бугун қилинажак ишлар, кимнинг мушкули осон бўлдию кимга кўмаклашиш кераклиги ҳақида ўйлайди.***

# Қадрласанг, қадр топасан



Эски шаҳар даҳасида барча тенгдошлари қатори ўйинқароқ йилларини ортда қолдирган Баҳодирнинг хотирасида болалик дамлари деганда, илк бор тил ўрганишга бўлган қизиқиши, устозларининг саъй-ҳаракатлари билан астойдил бу ишга киришгани ёдига тушади. Зиёли оиланинг 6 нафар фарзандидан бири, ёлғиз ўғил бўлишига қарамай, эркалик ва тантиқликни ўзига эп билмади. Авлодида зиёлиларнинг кўп бўлгани сабабли у мустақил равишда ёшлигидан ўз йўлини, келажакдаги манзилини танлай олган эди. Бобоси Юнусхон Ҳакимжонов арабшунос тарихчи, ўз даврининг етук шарқшунос олимларидан бўлган. Шарқшунослик қўлёзмалар институтида узоқ йиллар самарали фаолият кўрсатган. Унинг изидан бормоқликни набира шараф ва ғурур деб билди. Араб тилини ўрганиш орзуси йиллар ўтган сайин улғайди. Мактабни тамомлагач, орзулар рўёби сари илк қадамларни ташлади. Тошкент давлат университетининг шарқ факультети тарих бўлимига ўқишга кирди. Талабаликнинг олтин лаҳзалари тинимсиз изланиш, ўқиб ўрганиш ва институтни муваффақиятли тамомлагани билан ҳаёт саҳифаларига муҳрланди. Устозлари Неъматулло Иброҳимов, Анвар Исмоилов, Бахтиёр Иброҳимов, Омон Мусаев, Илҳомжон Эшонжоновларнинг сабоқларини мукаммал ўрганди. Ҳаёт дарсини ўзлаштиришга ҳаракат қилди.

Ёш кадрларни ўз ўрнига қўйиш шиддаткор замон талаби. Бу талаб адо этилганда кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Қолаверса, давр ҳам фидойи, ташаббускор ёшлар меҳнатини тақозо этмоқда. Устозлар меҳри уни яна олийгоҳ сари чорлаганда у ана шу талабни бажаришга бел боғлади. Дастлаб институтнинг халқаро алоқалар бўлимида инспектор лавозимида иш бошлади. Халқаро алоқалар ва иқтисод факультети маънавият-маърифат, кейинчалик иқтисод ва тадбиркорлик йўналишлари бўйича декан муовини лавозимида фаолият кўрсатди.

Ишбилармонлиги, ташаббускорлиги билан жамоа эътиборини қозонди. 2004 йилда жамоа уни касаба уюшма қўмитаси раислигига сайлаганида дилининг туб-тубида «Янада кучғайрат билан ишлайман. Яхшилик қилиш кундалик юмушим бўлади», дея ният қилди.

— Ниятнинг ижобати кўп жиҳатдан ҳаракатга боғлиқ. Ҳар бир янги ишни бажаришга киришганимда шуни ҳис этаман. Ўз устида ишламаган, изланмаган, сал бепарво бўлган киши замондан орқада қолади. Инсонни тушуниш, дардини англаш учун ҳам билим, малака, тажриба керак. Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ва Тошкент шаҳар кенгаши томонидан уюштирилган турли тадбирлар, ўқув-семинарлари мен каби ўз ишини яқинда бошлаган ёш мутахассисларнинг фаолияти учун ҳам фойдали бўлмоқда, — дейди суҳбатдошимиз. — Ишчи ходимлар ва талабаларнинг соғлиғини тиклаш, моддий аҳволини яхшилаш, яхши кунлари-ю, ташвишли онларида кўмаклашиш, қуйингки, барча-барчаси касаба уюшмаси ва институт раҳбарияти томонидан ҳамжиҳатликда ҳал қилинади. Тўрт мингга яқин аъзога эга бирлашган касаба уюшма қўмитаси имконият доирасида ҳаммага манзилли ёрдам қўлини узатади, эътибордан қолдирмасликка ҳаракат қилади.

Институт маъмурияти билан бирлашган касаба уюшма қўмитаси ўртасида профессор-ўқитувчилар, ишчи-ходимлар ҳамда талабаларнинг меҳнат ва таълимга оид муносабатларини тартибга солиш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини мувофиқлаштиришга ёрдам берувчи бандларни мужассамлаштирган жамоа шартномаси тузилган. Давлат дастурлари, юқори касаба уюшма ташкилотлари қарорлари ва меъёрий ҳужжатлари асосида амалга ошириладиган ишлар режаси ва «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури асосида тадбирлар ишлаб чиқилган.

Шу аснода белгиланган чора-тадбирлар орқали жамоа аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтириш, меҳнат жамоасида соғлом муҳит ва зарарсиз меҳнат шароитини таъминлашга доир вазифаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан таъсис қилинган касаба уюшма аъзолик билетининг жорий этилиши жамоатчилик ўртасида уюшма мавқеини янада мустаҳкамлади. Айни пайтда Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши орқали барча касаба уюшма аъзоларига ушбу билетлар бепул тарқатилган бўлиб, амалда қўлланилмоқда.

Меҳнат жамоаси аъзолари манфаатларини ҳимоя қилишда касаба уюшма қўмитаси қошидаги доимий комиссиялар фаолияти алоҳида ўрин тутади. Ҳозирги кунда 7 турдаги, жумладан, ташкилий ва маънавий-маърифий ишлар, ўқув ишлари, ижтимоий муҳофаза ва ҳуқуқий ишлар, талабалар билан ишлаш, спорт ва соғломлаштириш, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича ҳамда умумий овқатланиш ва савдо шохобчаларини назорат қилиш бўйича доимий комиссиялар иш олиб бормоқда. Шунингдек, ташкилот «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловида иштирок этиш баробарида фаолият самарадорлигини ошириб бормоқда.



Жамоа шартномасида белгиланган бандларнинг бажарилиши бўйича йиллик ҳисобот институт жамоасининг кенгайтирилган йиғилишларида муҳокама қилинади.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IV Қурултойи ҳамда юқори ташкилотлар анжуман ва пленумлари қарорларидан келиб чиққан ҳолда институт бирлашган касаба уюшмаси ташкилотининг вазифалари тўғрисида қабул қилинган қарорлар, ишлаб чиқилган тадбирлар дастури барча касаба уюшма цех ва гуруҳ ташкилотларига етказилган ҳолда қўмита фаоллари орқали ҳаётга тадбиқ этилаяпти.

Суҳбат жараёнида атрофга разм соламан. Касаба уюшма қўмитасининг хонасига кираверишданоқ ташкилот ҳаётидан ҳикоя қилувчи манбалар кўзга ташланади. Ҳар бир ўтказилган тадбир, олиб борилаётган ишлар ҳақидаги альбомлар, дафтарлар мавжуд бўлиб, улар дид билан териб қўйилган. Керакли услубий қўлланмалар, иш режаси, тадбирлар дастури ҳам жой-жойида. Касаба уюшма фаолларининг, цех ва гуруҳ ташкилотчиларининг фаолияти ҳақидаги маълумотлар алоҳида жилдларда тартиб билан жойлаштирилган.

Жамоадагиларнинг муносабати, фикри инсоннинг қобилияти ва маҳоратини акс эттирувчи кўзгудир. Баҳодир ака билан ёнма-ён меҳнат қилаётган, ҳар куни у билан юзма-юз суҳбатлашиб муаммоларини ҳал этаётган, фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашаётган ҳамкасбларию жамоадошлари, талабалар фикри билан қизиқдик.

***Юлдуз Тўрахўжаева, институт мураббийлар кенгаши раиси:***

— Узоқ йиллардан буён институтда талабаларга сабоқ бериб келаяпман. Мураббий бўлганим боис ҳамиша ёшлар билан ишлашга тўғри келади. Уларга таълим бериш, тарбиялаш билан бирга, моддий кўмаклашиш, ҳолидан хабардор бўлиш нафақат бурч, балки инсоний фазилат. Баҳодирда шу фазилатни кўриш мумкин. Уни талабаларнинг дўсти, дардкаши десам хато бўлмайди.

Бир куни сирдарёлик талаба моддий жиҳатдан қийналиб қолганини айтиб ёрдам сўради. Сезилиб турибди, минг истиҳола, андиша билан олдимга келган. Лекин айнан ўша пайтда менда ҳам имконият йўқ эди. Баҳодирнинг ёнига бориб маслаҳатлашдим. У тезда ўша талабани чақириб, касаба уюшма номидан моддий ёрдам берди: «Ука, қандай ёрдам керак бўлса тортинмай келавер. Ахир сен ҳам касаба уюшма аъзоси-ку», дея уни ҳижолатвозликдан чиқарди. Эътибор унинг учун биринчи даражали вазифа. Қадрласанг, қадр топасан, деганлари рост. Баҳодир ҳамманинг ҳурматини жойига қўйиб қадрлагани учун барчамизнинг қадрдонимизга айланган. Меҳрибон, дилкаш инсон. Ёнингда шундай инсонлар меҳнат қилаётганини ҳис этиш кайфиятга ҳам, ишга ҳам ижобий таъсир қилади.

***Баҳодир Назаров, маънавият-маърифат ишлари бўйича проректор:***

— Институт касаба уюшма қўмитаси профессор-ўқитувчилар, ишчи-ходимлар, талабаларнинг ижтимоий ҳимоясига қаратилган кўплаб тадбирларни маъмурият билан ижтимоий ҳамкорлик асосида амалга ошираяпти. Ҳар бир талабанинг ўқиши, ишидан бохабар бўлиш, уларга моддий, маънавий кўмак бериш уюшманинг асосий вазифаси. Баҳодир жонкуяр, фидойи, ҳозиржавоб, самимий. Бирор-бир тадбир, у илмий кенгашми, кўрик-танловми, спорт мусобақасими, барчасида ҳозиру нозир. Ҳали ташкилотчилик қилган, ҳали ғолиб ва совриндорларга совға улашган. Ундаги ташкилотчилик қобилияти ҳар бир ишда сезилади. Ҳар бир ходим, талаба ҳақида маълумотга эга.

***Музаффар Саттиев, институт «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг етакчиси:***

— Мен ва тенгдошларим учун касаба уюшмасининг аҳамияти катта. Чунки у ҳар доим керакли вақтда ва жойда ўз ёрдамини беради. Уюшма «Камолот»нинг асосий ҳамкори. Ўқиш ва жамоат ишларида иштироким жараёнида ҳам буни ҳис этаман. Масалан, биз талабалар томонидан билдирилган талаб ва таклифлар инобатга олиниб, имконият даражасида амалга оширишга кўмак берилади. Талабалар турар-жойларида ҳам турли тадбирлар ташкиллаштирилади. Баҳодир ака ҳеч кимни беэътибор қолдирмайди. Дунёқараши кенглиги, ҳулқи, ўз ишини масъулият ва меҳр билан бажаришига ҳавасим келади. Биз ҳамиша у кишидан ибрат олишга интиламиз.

Фарзанд камолини кўриш, уларни эл-юрт корига муносиб инсонлар қилиб тарбиялаш ота-она орзуси. Турмуш ўртоғи Соҳибахон билан уч нафар ўғилни тарбиялаб вояга етказаётган Баҳодир аканинг дилида ҳам шундай орзулар мужассам.

Талабалик — инсон ҳаётининг энг гўзал, беғубор лаҳзалари. Бу лаҳзалардаги дарду ташвишлари, ўй-хаёлларнинг ўзи бир олам. Уларни ҳар бир талаба энг яқин сирдош дўсти, маслаҳатгўй кишилар билан баҳам кўришни истайди. Бугун Баҳодир ака талабаларнинг ҳам, жамоадагиларнинг ҳам яқин сирдоши ва дўстига айланган.

Инсоннинг яхшилиги-ю савоб ишлари шоҳ сатрларни ташкил этади. Тошкент Давлат шарқшунослик институти бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раиси Баҳодир Муҳаммадодилов бу теран мушоҳадани англаган ҳолда меҳнат қилмоқда.

**Ҳидоят ЖЎРАЕВА,**
**«Ishonch» мухбири,**
**Икром ХАСАНОВ олган суратлар**

# Ҳуқуқий сабоқлар

Саҳифа муаллифи: Довуд МАДИЕВ



**Саҳифа бўйича фикр-мулоҳазалар бўлса, шунингдек, ҳуқуқий мавзудаги саволларингизни газетамизнинг электрон ёки почта манзилимизга юборишингиз мумкин.**

## 4 ойга кечиккан иш ҳақи

***Касаллик варақаси учун оладиган маошимизни бериш 4 ойгача чўзилмоқда. Шу тўғрими?***

**А. ХУДОЁРОВ**

Хатингизда келтирилган ҳолат юзасидан давлат меҳнат ҳуқуқ инспекторига ёки тармоқ касаба уюшмаси вилоят кенгашига мурожаат қилиш тавсия этилади.

## Нафақага чиқмоқчиман

***Пахта тозалаш заводида 17 йилдан бери кутубхоначи бўлиб ишлайман. 4 нафар фарзандим бор. Турмуш ўртоғим вафот этган. Умумий иш стажим 30 йил. 50 ёшдан пенсияга чиқишим мумкинми?***

**З.ИСКАНДАРОВА,**
**Хонқа тумани**

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрдаги «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунининг 9-моддаси 4-бандида умумий белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган вазифалар рўйхатида кутубхоначи ҳам кўрсатилган. Аммо мазкур қонуннинг 12-моддасига кўра, махсус иш стажи камида 25 йил бўлиши керак.

Шунингдек, беш ёки ундан ортиқ фарзанди бор ва уларни саккиз ёшгача тарбиялаган оналар ҳам бундай имтиёзга эгадирлар.

## Ишлаётган пенсионер

Ишлаётган пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби ҳақида бот-бот мурожаат қилишади. Ҳатто катта миқдорда пенсия оладиганлар пенсияни тўлиқ олиб, иш ҳақининг ярмини олсак бўлмайдими деб сўраб қолишади. Бундайларни шахсий манфаат кўпроқ қизиқтиради. Қонун барча ҳақида қайғуради. Хуллас, бу қоида қонунда қандай белгиланганлиги ҳақида батафсил тўхталишни лозим топдик.

1995 йил 19 декабр куни Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот, мудофаа, ички ишлар, молия вазирликлари, хавфсизлик хизмати, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ижтимоий суғурта фонди ҳамкорликда «Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш Тартиби»ни қабул қилди. Шунга мувофиқ 1996 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишловчи пенсионерларга тайинланган пенсиянинг уруш қатнашчилари ва ногиронлари, Чернобил ҳалокати оқибатидан азият чекканларга-100 фоизи, бошқа барча пенсионерларга 50 фоизи миқдорида тўланади.

1998 йил 1 майдан бошлаб ишлаётган фуқаролар йиғини раисларига тўлиқ ҳажмда пенсия олиш ҳуқуқи берилди.

1999 йил 1 июлдан пенсияга чиқиш олдидан кўрсатилган ихтисоси бўйича камида 10 йил меҳнат стажига эга бўлган ёшга доир пенсияга чиқиб ишлаётган ўрта ва кичик тиббиёт ходимларига, провизорларга, «Меҳрибонлик» ва ногирон болалар уй-интернатлари тарбиячиларига, кутубхоначиларга тўлиқ пенсия олиш ҳуқуқи сақланади.

2004 йил 1 декабрдан ўзини ўзи бошқариш идораларидаги диний маърифат ва маънавият бўйича маслаҳатчи лавозимида ишлаётган пенсионер аёлларга тўлиқ миқдорда пенсия олиш ҳуқуқи сақланиб қолади.

Ижтимоий таъминот бўлимларида ҳисобда турадиган ишловчи пенсионерларга пенсия иш жойида, ўриндошлик асосида ишлайдиган пенсионерларга эса асосий иш жойида тўланади.

Ишловчи пенсионерларга пенсия Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия Фонди маблағи ҳисобидан тўланади. Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати ҳисобида турадиган ишловчи пенсионерларга уларнинг яшаш жойидаги «Халқ банки» муассасалари томонидан республика бюджети маблағи ҳисобидан тўланади.

Боқувчисини йўқотганлик бўйича пенсия оладиган шахслар ишга жойлашсалар, пенсия 50 фоизи миқдорида тўланади.

Васийликка олинган боқувчисини йўқотганнинг пенсиясини оладиган ишлайдиган шахс пенсияни тўлиқ миқдорида олади.

Якка тадбиркорлик билан шуғулланадиган ва фермер, деҳқон хўжаликларида ишлайдиган пенсионерлар ўз меҳнат фаолиятлари ҳақида пенсия тайинланган идорага хабар беришга мажбурдирлар.

Пенсияга солиқ солинмайди. Ишлайдиган пенсионерларга, тўлиқ ёки тўлиқ бўлмаган иш кунидан қатъий назар, пенсия 50 фоиз миқдорида тўланади.

Икки ойгача шартнома асосида ишлайдиган пенсонерларга пенсия тўлиқ тўланади.

## Маошимиздан ушлаб қолишди

***2006 йил декабр маошидан кунлик иш ҳаққи 6801 сўм миқдорида ҳашар (шанбалик) учун ушлаб қолинди. Умумхалқ ҳашари эълон қилинмаган бўлса-да, ташкилот шундай қилишга ҳақлими?***

**А. БОЙБЎТАЕВ**

**Меҳнат Кодексининг 164-моддасида ходимларнинг меҳнат ҳақидан ушлаб қолишнинг асослари белгилаб қўйилган бўлиб, умумий қоидага кўра, ходимнинг ёзма розилиги бўлмаган тақдирда эса суднинг қарорига асосан меҳнат ҳақидан ушлаб қолиниши мумкинлиги кўзда тутилган.**

**1. Ўзбекистон Республикасида белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш учун;**

**2. Суднинг қарорлари ва бошқа ижро ҳужжатларини ижро этиш учун;**

**3. Иш ҳақи ҳисобига берилган авансни, хизмат сафарига бориши ёки хўжалик эҳтиёжларига ишлатиш учун берилган бўлиб, сарф қилинмай қолган маблағни қайтариш учун ва ҳоказо;**

**4. Йиллик меҳнат таътилига чиққанда, аванс тариқасида тўланган таътил пулининг амалда ишланмаган даврга тегишли бўлган қисмини ушлаб қолиши учун;**

**5. Ходим томонидан иш берувчига етказилган зарарни қоплами учун, агар етказилган зарар миқдори ходимнинг ўртача иш ҳақидан ортиқ бўлмаса;**

**6. Меҳнат интизомини бузган ходимга нисбатан интизомий жазо тариқасида қўлланган жаримани ундириш учун.**

***Касбим ўқитувчи, ойлик маошим 161298 сўм бўлиб, шундан 29638 сўм миқдорида даромад солиғи ушлаб қолинмоқда. Юқоридаги ҳолат қонун жиҳатидан тўғрими?***

***80000 минг сўм мукофот пулидан ҳам даромад солиғи 22401 сўм ушлаб қолинди. Шу тўғрими?***

**И. ХЎЖАНОВ**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан зарарли ва оғир шароитли ишларда банд бўлган жисмоний шахсларнинг қатор тоифалари учун имтиёзли даромад солиғи ставкалари белгиланган. Чунончи, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сонли қарори билан тасдиқланган имтиёзли тарзда иш ҳақи олаётган ўқитувчилар — ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, вазифалар ва 3-сонли кўрсаткич тоифасига мансуб бўлганликлари учун даромадларини солиққа тортиш даражаси 25 фоиздан ошмаслиги керак.

**Ю.АҲМЕДОВ,**
**Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши бош мутахассиси**

## Ходим ва меҳнат шартномаси

***Қонунда иш берувчига хоҳлаган ходим билан муддатли меҳнат шартномаси тузиш ёки уни ҳар йили қайтадан тузиш ҳуқуқи берилганми?***

**А.ХАЙДАРОВА,**
**Шофиркон тумани**

Меҳнат шартномаси тузишда иш берувчи Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 72-76-моддалари талабларини тўлиқ бажариши шарт.

Меҳнат шартномаси ёзма шаклда бир хил кучга эга бўлган камида икки нусхада тузилади ва у иш берувчига ҳамда ишга кирувчига сақлаш учун берилади. Унинг барча бандлари, кейинчалик ўзгартириш киритишнинг олдини олиш мақсадида, тўлғазилган бўлиши шарт.

Меҳнат шартномаси ходим ва ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан имзоланиб, мансабдор шахснинг имзоси корхона муҳри билан тасдиқланади. Шу шартнома асосида албатта буйруқ чиқарилади ва у ходимга имзо чектириб таништирилади. Зарур бўлган ҳолатларда ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан ёки унинг ижозати билан ходимга меҳнат шартномаси тузилмасдан олдин ишлашга рухсат берилиши мумкин. Бундай ҳолатда ходим иш бошлаган кундан бошлаб у билан меҳнат шартномаси тузилган деб ҳисобланади ва кейинчалик меҳнат шартномаси тузилиб, ишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ чиқарилади.

Меҳнат кодексининг 75-моддасида меҳнат шартномасининг муддатлари уч турда бўлиши кўрсатиб ўтилган.

Меҳнат шартномалари:

номуайян муддатга (муддатсиз);

беш йилдан ортиқ бўлмаган муайян муддатга;

муайян ишни бажариш вақтига мўлжаллаб тузилиши мумкин.

Меҳнат қонунчилигини яхши ўзлаштирмаган ёки қонунни билатуриб айрим муассаса раҳбарлари ходимларни ишга қабул қилишда ва иш давомида қонунга зид равишда у билан муддатли меҳнат шартномаси тузадилар. Бу иш берувчи учун ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишнинг энг осон усули ҳисобланади. Яъни, Меҳнат кодексининг 105-моддаси асосида меҳнат шартномасининг муддати тугаши муносабати билан ҳеч қандай розилик олинмасдан у бекор қилиниши мумкин. Лекин Меҳнат кодексининг 5-моддасида меҳнат ҳақидаги келишувлар ва шартномаларнинг ходимлар аҳволини меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларда назарда тутилганига қараганда ёмонлаштирадиган шартлари ҳақиқий эмаслиги кўрсатиб ўтилган.

Иш берувчига амалдаги қонунларда хоҳлаган ходим билан муддатли меҳнат шартномаси тузиш ёки номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳар йили янгидан тузиш ҳуқуқи берилмаган. Шу сабабли ҳам Меҳнат кодексига «Иш берувчиларнинг муддатли меҳнат шартномаси тузиш ҳуқуқини чеклаш тўғрисида» алоҳида қилиб 76-модда киритилган.

Меҳнат кодексининг 76-моддаси ва Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 12 майдаги Қонунига асосан муддатли (беш йилгача) меҳнат шартномаси:

— бажарилажак ишнинг хусусияти, уни бажариш шартлари ёки ходимнинг манфаатларини ҳисобга олган тарзда (унинг аризасига биноан) номуайян муддатга мўлжалланган меҳнат шартномаси тузиш мумкин бўлмаган ҳолларда.

— корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан, муассасада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса бош бухгалтер вазифасини бажарувчи ходим билан.

— қонунда кўрсатилган бошқа ҳолларда тузилиши мумкин.

Қонуннинг бу талабига мувофиқ доимий бўш лавозимга муддатли меҳнат шартномаси тузган ҳолда ходимни ишга қабул қилиб бўлмайди. Вақтинчалик ишда бўлмаган (таътилда бўлиши, узрли сабабларга асосан ишда бўлмаган бошқа ҳолларда) ходимнинг ўрнига ишга қабул қилинганда ҳамда ходимнинг аризасига мувофиқ ва кўрсатиб ўтилган ҳолларда ходим билан беш йилгача бўлган муддатли меҳнат шартномаси тузилиши мумкин.

Иш берувчи қонунда белгиланган шарт ва талабларига риоя қилинмаган ҳолда ходим билан муддатли меҳнат шартномаси тузса, унинг оқибатида ходим билан тузилган меҳнат шартномасини Меҳнат кодексининг 105-моддаси асосида муддати тугаши муносабати билан бекор қилса, ходим Меҳнат кодексининг 269- ва 270-моддаларига асосан ўз вазифасига тиклаш ва мажбуран бекор юрган кунлари учун ҳақ тўлашни сўраб ариза билан бевосита туман (шаҳар) судига мурожаат қилиши мумкин.

Меҳнат кодексининг 9-моддасига мувофиқ касаба уюшмалари иш берувчининг Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини текшириши ва назорат қилиши зарур.

**Карим МУХТОРОВ,**
**Ўзбекистон ССХКУ МКнинг бош ҳуқуқшуноси**

Алишер ИБОДИНОВ

# СОҲИЛ ЯҚИН, ЯҚИН...



(Қисса)

*(Боши ўтган сонларда)*

Майли, — деди Солиҳа бироз ўйланиб олгач, — чиндан ҳам чарчадик.

Ўтган уч-тўрт кун ичида Бекмирза танишлари орқали Солиҳа ҳақида кўп нарсани билиб улгурганди. Ёши ўттиздан ошган, битта ўн-ўн икки ёшли ўғли бор. Уч йил муқаддам эри узоқ давом этган оғир касалликдан вафот этган. Европача тарбия кўрган аёл. Давраларда эркаклар суҳбатидан тортинмаса-да, лекин чегарадан чиқмайди.

Бекмирза, «ҳали бу аёлга кўп ишим тушади, таниш-билиш бўлиб олсак зиён қилмайди», дея ичида ўзини алдашга уринар, лекин шу аёлни кўргандан сўнг неча йиллардан буён қалбини, бутун вужудини занглатиб ётган ғашлик бирдан чекинганини ҳис қилиб, кўнгли ёришар эди. Шаҳарда у ҳали бирорта бегона аёл билан ишқий муносабатларга бормаган эди. Дўстлари бу борадаги «ютуқ»лари билан мақтаниб қолишган кезлари, у мийиғида кулиб ўтираверар, баъзилар ана шу сирли жилмайишдан ўзларича турли маъно топишарди... Бекмирза бу борада жуда нозик кўнгил. Ўша олис шаҳарлардаги йўл-йўлакай юз берган тасодифий ишқий саргузаштларни ҳисобга олмаса, бирорта аёл ҳали кўнглини жизиллатган эмасди. Мана, неча йиллар ўтиб, божхонадаги аёл кутилмаганда қалбида тўфон қўзғатди.

Ҳали қуёш ётоғига кириб улгурмай саррин шамол эсди. Ҳа, яқинлашиб келаётган кузнинг муждаси бу... Бекмирза янги «Нексия» қучоғига гўзал хонимни олганича шаҳар ташқарисига, ўркач қирлар тарафга йўл олди. Ўша ёқда унга таниш одамга қарашли кичикроқ кўл бор. Кўлда балиқ боқиларди. Кўл атрофида кўкаламзор сайргоҳ, икки-уч ёғоч уй ҳам бор. Солиҳа билан келишиб улгурмай у одамга хабар бериб бўлганди. Орқа ўриндиққа чўккан Солиҳа қора кўзойнак тақиб олди. Бекмирза магнитофон тугмасини босди. Машина салонини Берта Давидованинг нолалари тутди.

— Кечирасиз, таъбим шунақа, — дея хижолатомуз оҳангда гап бошлади у, — бу янги чиққан ёш қўшиқчиларга сира ўрганмадим. Азиза дейдими, Даврон дейдими, саноғи йўқ... Биз энди шу классик қўшиқлар, Шер ака, Ортиқ ака, Ғуломжонлар даврасидан, уларнинг оҳангларидан чиқиб кетишимиз мушкул...

— Тўғри айтасиз, — дея ўйчан оҳангда гапирди Солиҳа, — мен рус мактабда ўқиганман. Олий таълимни ҳам русча олдим. Табиийки, рус, европа қўшиқлари қон-қонимга сингиб кетган. Лекин ўзимизнинг эстрада, Ботир Зокиров, «Ялла» ва яна кўплаб қўшиқчилар ҳам юрагимнинг бир парчаси.

Бекмирза бисотини титкилаб «Ялла» эстрада гуруҳи қўшиқлари ёзилган кассетани топиб қўйди...

Балиқчи фермернинг кўл бўйидаги сайргоҳга ўрнатилган вагон-уйчаси ичи жуда шинам, бурчакда телевизор, магнитофон, стол усти жаннат дастурхонидай тўкис эди.

* * *

Нотаниш ярадор аста-секин ўзига кела бошлади. Кўзини очгандан сўнг орадан икки кун ўтгач махсус мосламадан оғзига қуйилган суюқ овқатни ичиб олди. Бир муддат кўзларини очиб-юмиб ётди-да, кейин секин, қўрқа-писа лабларини қимирлатди. Хўжакент тумани марказий шифохонаси хирурги Ҳамидулло ака тажрибали жарроҳ эди. У бўғизни тикиш жараёнида товуш аъзоларини сақлаб қолиш учун керакли ишларни қилган, шу боис беморнинг гапира олиш қобилияти бут эди.

— М.. мен..қ...қаердаман? — дея сўради кровати ёнида турган ҳамширадан. Товуш чиқарганда томоғи ачишиб оғриди шекилли, юзлари буришиб кетди.

— Сиз Хўжакент касалхонасидасиз, — деди бийрон товушда ҳамшира, — бундан икки ҳафта илгари отдан йиқилиб жароҳат олгансиз.

— Ҳ... Ҳа..., — дея чўзиқ нафас чиқарди ва жимиб қолди.

Эрталабки муолажадан сўнг даволовчи врач у билан суҳбатлашишга уринди. Бироқ жароҳатланган одам шифокорнинг саволларига жавоб бермади. Лекин врачнинг нима деганини тушунгани афтидан билиниб турарди.

Икки кундан сўнг врачлар рухсати билан палатага капитан Адҳам Солиев кирди.

— Аҳволингиз яхши, — деди у беморнинг кўзига тикилиб, — энди икки-учта саволимизга жавоб берсангиз.

Нотаниш одам бошини аста ирғаб, розилигини билдирди.

— Аввало, исми-шарифингиз, турар-жойингиз?

— Ҳ... ҳеч... Эсимга к... келмаяпти, — деди бемор, — к..кимлигим..ни эс...слай ол...-мадим. М... менга от...дан й... йқил...газ...сиз д...дей..ишди...

— Ҳа, сиз Хўжакент тумани юқорисидаги чорраҳада, ДАН постидаги навбатчи милиция ходими рўпарасига тоғ томондан қорабайир от миниб келгансиз. Сўнг кутилмаганда шу ерда бўғзингизга пичоқ тортиб юборгансиз. Бу ҳаракатингиздан чўчиган от сизни олиб қочган, қирқ-эллик метр нарида турган машина йўловчиси от йўлини тўсган. Кейин бошингиз билан асфальтга йиқилгансиз...

Адҳам Солиев ярадорга бўлган воқеани ипидан игнасигача сўзлаб берди. Афсуслар бўлсинким, жабрдийда ҳайдовчи буларнинг биронтасини ҳам эслай олмади... У на ўзининг кимлигини биларди, на бошидан ўтган воқеаларни хотирларди.

* * *

Солиҳа Бекмирзанинг шампан шишаси томон узатилган қўли енгидан тутди-да:

— Қўйинг, ўшани, — деди кулиб, — молдован виноси бор экан-ку... Ўша дуруст...

Бекмирза унга вино, ўзига арақ қуйди...

— Худойим ҳамиша ҳаммамизни халқимизга, ҳаққимизга, ҳақиқатга ҳамнафас, хиёнатдан холи, ҳамиятлиларга ҳамдўст, ҳақиқий холиқларга ҳамдаму ҳамроҳ қилсин!

— Ҳамфикр, ҳамқадаммиз! — дея жаранглаб кулди Солиҳа қадаҳ уриштиришаркан. Чинни садосидай бу кулгу қадаҳ жарангими ёки Солиҳанинг овозими, Бекмирза англолмай қолди... У гарчи русча ўқиган эсада, ўзбекчани ҳам жуда нозик ҳис қилар, гаплари қочирим, енгил ҳазилга бой эди. Ўша куни жуда ёзилиб ўтиришди. Қайтаётганларида унинг овози бироз титраб:

— Анча йиллар бўлди. Бекмирза ака, бундай очилиб-сочилиб ўтирмаганимга, — деди.

Бекмирза савдогар одам эмасми. Солиҳанинг гарчи умумий зиёфатлардан қочмаса-да, лекин эркак зоти билан чиндан ҳам якка-ёлғиз, айниқса, дастурхон атрофида суҳбат қурмаслигини билиб олган эди.

— Раҳмат, тўғрисини айтсам... Мен ҳам бундай... Ёзилиб ўтирмаганимдим анчадан буён...

Эрта тонгда уйғонди-ю, ёнини пайпаслаб... Солиҳани қидирди! Ҳатто «Солиҳа» деб чақириб ҳам юборди. Ҳайриятки, Моҳигул ҳали кўз очмаган эди. Ташқарида келин супириш-сидириш билан банд. Болалар ҳали ширин уйқуда. Бекмирза аста ўрнидан туриб кийинди-да, ҳовлига чиқди. Эрта куз тонги... Ишкомларда тизилиб турган узум бошлари доно мўйсафиддай салобатли сукунатга ғарқ... Қаердадир зарғалдоқ сайради. Бекмирзанинг келиндай саҳархез жувонларгина ҳовлиларни тартибга келтиришни бошлашган. У саҳар ҳавосидан симириб-симириб нафас оларкан, бирдан бақиргиси келди. Мана шу сокин дунёни ларзага солиб ҳайқирса, манави узум бошлари наъра зарбидан чўрт-чўрт узилиб, ер билан битта бўлса... У чўнтак телефонини олиб Солиҳага қўнғироқ қилди.

— Солиҳа, узр, тонгда безовта қилдим...

— Яхшимисиз, Бекмирза ака?... Яхши дам олдингизми?

— Раҳмат. Жуда эрта турарқансиз... Балконда бўлсангиз керак...

Солиҳа майин кулди. Бекмирза унинг юзлари кулганда аллақандай бошқача ёришиб кетишини хаёлига келтирди. Эҳ, бу юзлар... Шу пайтгача қаерларда юргандинг, Бекмирза? Ахир, шу юзлар, кўзлар, қарашларсиз ҳаётнинг мазмуни ночор, умр аллақандай бемақсад эмасмиди?

— Солиҳа... Агар вақтингиз бўлса...

— Қачон? — Аёлнинг овози яна титраб кетди.

— Тушдан кейин... Телефон қиламан.

— Майли.

«Наҳот ёши элликка етган одам шу даражада ўзини йўқотади? — хаёлидан ўтди Бекмирзанинг, — нима бу? Наҳот ўша — достонларда куйланган, Мажнуну Фарҳодларни адо қилган туйғу қариган чоғимда мени танлаган бўлса? Ахир, бундай гўзал туйғу, қайноқ интилиш, олдинда гуриллаб ёнаётган гулханга ўзни ташлаб, роҳатланиб... ёниш кайфияти қаердан пайдо бўлди?

* * *

Жароҳатланиш туфайли мия фаолиятида ўзгариш рўй берган, оқибатда ўзининг шахсини аниқлай олмаётган шикастланувчининг фотосурати кўпайтирилиб, барча шаҳарлар ва туманлар паспорт бўлимларига юборилди. Одатда сақланиб қолган паспорт нусхалари, фотосуратлар орқали одамларнинг шахси аниқланарди. Таассуфлар бўлсинки, бир ойлик муддат ичида бирорта ҳам шаҳар ёки тумандан жабрланувчининг шахсига оид маълумот топилмади. Газеталарда эълон қилинган фотосуратлардан ҳам бир иш чиқмади. Демак, бу одам Қирғизистон ёки Тожикистон фуқароси бўлиши мумкин. Қўшни мамлакатларнинг чегара туманларига ҳам бу ҳақда тегишли ахборотлар юборилди. Бироқ осмондан тушдими, ердан чиқдими, бу одам ҳақида бирон бир арзигулик маълумот йўқ эди...

— Агар отимни эслай олганимда эди, — деб қолди бемор ташқаридаги ўриндиқда Адҳам Солиев билан суҳбатлашиб ўтиркан, — кейин бошқасини секин-аста хотирлармидим...

— Тушларингизда ҳам йилт этган, диққатга сазовор нарса чиқмаяптими?

— Кеча тунда туш кўрдим... — Эслай бошлади нотаниш одам, — кенг ҳовли... Аллақандай аёл... Ўрта бўй, ёши қирқлардан ўтган... Мен томонга қўл силтайди... Бошида оқ рўмол... Ҳайрон бўлдим... Кўчада ариқ... Тўлиб-тошиб оқаяпти... Ариқда... кема... Қоғоз кема майда тўлқинлар узра чўкиб-кўтарилиб, чўкиб-кўтарилиб сузяпти. Бирдан ўша аёл менга яқинлашди, ҳатто қайноқ нафаси юзимга урилди. «Соҳил яқин, соҳил яқин», дея шивирлади у қулоғимга. Сўнг ҳовли, аёл, ҳаммаси кафтдек нарсага айланди-да, қоғоз кемага юкланди... Кема оқишда давом этди... Шу...

— Ҳеч бир нарсани эслатмадими бу аёл, ҳовли...

— Афсуски, йўқ...

* * *

Тушдан кейин Бекмирза машинага Солиҳани ўтқазиб, Қамчиқ довони томонга ўрлади.

— Бироз кеч қайтамиз, майлими?

— Ихтиёрингиз, мен уйга айтиб қўяй, бўлмаса, — дея Солиҳа уяли телефончасини сумкасидан чиқариб, рақам терди, — ая, уйдамисиз? Ҳа... Ҳозир бир жойга текширишга борадиган бўлиб қолдик. Кечроқ қайтаман. Хавотир олманглар. Камолиддин қаерда? Мактабдан келдими? Келса, бугун кечгача ҳеч ёққа чиқарманг. Ҳа, ҳа... Ўшанда кўнглим тўқ бўлади. Хўп, кўришгунча...

Довон остонасида ўнгга бурилиб, Чодак водийси тарафга юришди. Тоғ этагидаги паст-баланд йўллар, у ер-бу ердан шарқираб оқиб ётган сойлар, қатор-қатор дам олиш масканлари...

— Чодак кичик бир қишлоқ деб юрардим, — деди Солиҳа, — жуда кенг, шинам жойлар экан-у.

— Ҳа, биз у ёқда сал зерикиб қолсак, Шоҳимардон, Сўх, Арслонбоб, Ўшга югуравериб, бу томонларга кам келамиз, — жавоб берди Бекмирза. — Аслида Чодак жуда баҳаво, ёқимли маскан...

Юксак чўққилар этагидаги қишлоқнинг энг четида жойлашган уйга кириб келишди. Машина сигнал бериши билан темир дарвоза ланг очилди. Бекмирза аввал айтиб қўйгани боис уйдагилар ўтиришга яхши тайёргарлик кўриб қўйишган экан. Тошдан тошга урилиб, шарқираб оқаётган сой соҳилидаги меҳмонхона европача усулда жиҳозланган, безатилган эди. Атроф салқин, сойдан эсаётган роҳатбахш шабада очиқ дераза пардаларини ўйноқлаяпти...

Солиҳа ғарбона тарбия кўрмаганми, столнинг безатилишига қараб тан берди: чинакам тарзда Европача тузалган.

— Бу ерда... — дея саволомуз Бекмирзага қаради у.

— Уй эгасининг хотини украин. Йигит Киевда ҳарбий хизматда бўлиб, ўша ерда уйланиб қайтган. Келин ихтисоси бўйича кулинар. Шу боис одатда европалик меҳмонларни шу ерга олиб келишади... Ўтган галгидай Бекмирза арақ, Солиҳа асл Краснодар виносидан очишди. Солиҳанинг юзларига қизил югуриб, кўзлари чақнади.

— Ота-онам ўқитувчи эдилар, — деди у. — Биз тўрт нафар боланинг барчасини рус мактабида ўқитишди. Ўша пайтларда шунақа русум бор эди зиёли оилаларда. Акам рус аёлига уйланган. Икки фарзанди бор. Истиқлолдан сўнг хотинига эргашиб Россияга кўчиб кетди. Сингилларим ўз турмуши, бола-чақаси билан банд. Бу орада отам вафот этдилар. Турмуш ўртоғим оғир касалга чалинди. Олти йил бормаган шифохонамиз, кўрсатмаган докторимиз қолмади. Имкони борича ҳаётини чўзишга уриндик. Лекин дард бешафқат экан. Ўғлим ўн ёшга тўлган куни у киши оламдан ўтдилар. Аслида у киши билан тўрт-беш йил кўнгилдагидай яшаганмиз, холос.

*(Давоми бор)*

***Осиё футбол Конфедерациясининг амалдаги президенти Муҳаммад Хаммамнинг ваколати президентликка бошқа даъвогарларнинг йўқлиги сабабли 2011 йилгача узайтирилган эди. Шу йилнинг 8 май куни Куала-Лумпурда бўладиган ОФКнинг XXII конгрессида бу муддат расман тасдиқдан ўтади. Энди бу ҳол ФИФА президенти Йозеф Блаттер билан ҳам рўй бериши мумкин.***



# БЛАТТЕР ЎЗ ТАХТИДА ҚОЛДИ

Яқинда юртимизга ташриф буюрган бутунжаҳон футболи «ота»сининг ваколати шу йилнинг март ойида ниҳоясига етди. 31 май куни эса Цюрихда ФИФАнинг навбатдаги 57-конгрессида президентликка сайлов бўлиши режалаштирилган. ФИФА қоидаларига кўра, 31 мартгача номзодлар ўз аризалари билан мурожаат қилишлари лозим эди. Аммо FIFA.com нинг хабар қилишича, бу муддатгача ҳеч кимдан номзодликка ариза келиб тушмаган. Шунинг учун жаноб Блаттердан бошқа номзод бўлмаганлиги сабабли ФИФАнинг 57-конгрессида автоматик тарзда унинг президентлик ваколати яна 4 йилга узайтирилади, яъни 2011 йилгача. Шу йил март ойида 71 ёшни қоралаган Йозеф Блаттер ФИФАнинг 8-президенти бўлиб дастлаб 1998 йил 8 июн куни Парижда ўтган ФИФА конгрессида сайланган эди. 2002 йили Сеулда ўтган навбатдаги конгрессда раҳбарлик ваколати 4 йилга узайтирилди. 2003 йили эса Доҳада фавқулодда йиғилган конгрессда Йозеф Блаттернинг президентлик лавозимини 4 йилдан 5 йилга, яъни 2007 йилгача сақланиб қолиши маълум бўлган эди.

Саҳифа муаллифи: Акмал АБДИЕВ



# ЁШЛАРИМИЗ ҒОЛИБ

Пойтахтимизда 64 катакли шашка бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида Осиё чемпионати якунига етди.

Чемпионатда шашка тури ривожланган Осиёнинг 10 давлатидан 100 нафардан зиёд спортчилар дона суришди.

Мусобақада 10,14, 16 ва 20 ёшгача бўлган гуруҳларда дастлаб классик, сўнгра тезкор шашка бўйича қитъанинг энг кучлилари аниқланди.

Қувонарлиси, классик шашка бўйича етти нафар вакилимиз мусобақанинг олтин медалларини қўлга киритишди. Марҳамат, ғолиб ватандошларимиз билан танишинг. 10 ёшгача қизлар баҳсида Шаҳноза Қосимова, 14 ёшгача бўлган шашкачилар ўртасида опа-ука – икки карра жаҳон чемпиони Саидқосим Алиев ва жаҳон чемпионати кумуш медал совриндори Гулсум Алиева, 1991-1992 йилларда туғилган спортчилар баҳсида Жамила Даминова ва жаҳон чемпиони Нурали Раҳматов, 20 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида Ойбек Ибодов, қизлар орасида эса Сайёра Йўлдошева Осиё чемпиони бўлишди.

Тезкор шашка мусобақаларида эса терма жамоамиз аъзоларининг олтин медаллари сони бешта бўлди.

Энди шашкачиларимиз 14-24 апрел кунлари Германияда ўтадиган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида иштирок этишади.



*Суратда: Мусобақа ғолиби С.Алиев*

***Дунёнинг энг кучли боксчиларидан Николай Валуев ва Владимир Кличколарнинг ўтказган сўнгги жангларини кўз олдингизга келтирсангиз, ғалати ўхшашликка дуч келасиз. Николай Валуев Жамил Мак Клайн устидан учинчи раунддаёқ ғалабага эришган бўлса (Мак Клайннинг оёғи жароҳатланиб, уни замбилда олиб кетишганди). Кличко рақиби Остин устидан иккинчи раунддаёқ ғолибликни тантана қилганди.***

# КЛИЧКО–ВАЛУЕВ БАҲСИГА ҲАЛИ ЭРТА...МИ?



Энди бу икки спортчи IBF ташкилоти чемпионлик камари учун жанг олиб бориши лозим. Кличко камарини ҳимоя қилса, Валуев камар учун асосий даъвогарлардан саналади.

— Менинг навбатдаги мақсадим Николай Валуев билан энг оғир вазн тоифасида кучли боксчи ким, деган саволни ойдинлаштириб олиш. Ва у билан жанг ўтказмоқчиман. Валуевнинг ўзи ҳам бу жангга тайёрлигини кўп бора таъкидламоқда. Бироқ бунгача Николай Валуев Руслан Чагаев билан ўз чемпионлик камарини сақлаб қолиш учун курашиши керак.

Валуев билан жангимизни ортга сурадиган муаммо эса битта. У ҳам бўлса, Валуевнинг промоутери Донг Кингнинг бир қарорга келиши.

# ИККИ КУНДА УЧ МУҲИМ ЖАНГ

Ҳамюртимиз Руслан Чагаев ва россиялик Николай Валуевнинг жангига ҳам тобора оз фурсат қолмоқда.

12 апрел куни Ўзбекистон профессионал бокс федерацияси мутасаддилари Русланни қўллаб- қувватлаш мақсадида Германияга учиб кетишади. Шунингдек, 13 апрел куни Россиянинг «Империя» промоутерлик компанияси ҳам Москвадаги «Крилья» спорт аренасида профессионал бокс бўйича учта рейтинг жангларини ташкил этади. Ушбу жангларнинг иккитасида ўзбекистонлик «чарм қўлқоп» усталарининг иштирок этиши боис, бизни ҳам бефарқ қолдирмайди. Яъни, WBA - Бутунжаҳон бокс ташкилоти йўналишида Интерконтинентал чемпионлик камари соҳиби, ҳамюртимиз Қаҳрамон Орзиқулов ўз унвонини сақлаб қолиш учун таиландлик Сайрунгга қарши рингга чиқади. Эслатиб ўтамиз, Қаҳрамон ўтган йил ёзда қозоғистонлик Марат Мазимбоев устидан ишонарли ғалабага эришиб, чемпионлик камари соҳиби бўлганди.

Шунингдек, профи рингда ҳали бирор марта ҳам мағлубиятга учрамаган ўзбекистонлик яна бир боксчи Алишер Раҳимов россиялик Юрий Романович билан Россия чемпионлиги камари учун рингга чиқади.

# ФУТБОЛ ОЛАМИДАГИ РЕКОРДЛАР

***Бир ўйинда энг кўп гол урган ўйинчи:*** 1942 йилнинг 13 декабрида Франция Кубоги учун «Рейсинг клаб де Ланс» клуби футболчиси Стефан Станис «Обри Астюри» жамоаси дарвозасига 16 та гол урган. 1908 йилги Олимпия ўйинларида Дания футболчиси Софус Нильсен Франция термаси дарвозасига 10 та тўп йўллаган. Германиялик Готфрид Фукс ҳам Россия терма жамоаси дарвозасига 1912 йилги Олимпиадада 10 та тўп киритган. 1927/28 йилги мавсумда «Эвертон» футболчиси Уильям Ральф "Дикси" 39 учрашувда 60 та гол муаллифи бўлган.

***Тўпурар футболчилар:*** Бразилиялик Артур Фриденрайх тасдиқланмаган маълумотларга қараганда, 1909-1935 йиллардаги фаолияти давомида 1329 та гол киритган. 1930-1950 йиллар орасида тўп сурган Франц «Бимбо» Биндер 756 та ўйинда 1006 та голга муаллифлик қилган. Бразилиялик футболчи Пеле 1956 йилдан 1977 йилгача 1363 та ўйинда 1281 та гол киритган.

***Энг яхши дарвозабонлар:*** «Атлетико» дарвозабони Эйбл Ресино халқаро учрашувларда 1275 дақиқа давомида дарвоза дахлсизлигини сақлаб турган. Италия термаси дарвозабони Дино Зофф ҳам халқаро учрашувларда шунча вақт давомида дарвозасидан тўп олиб чиқмаган.

***Энг бақалоқ дарвозабон:*** Англия терма жамоаси дарвозабони Вили Генри Фулкнинг оғирлиги 141 кило бўлган. «Брэдфорд» таркибида сўнгги ўйинларини ўтказганида унинг оғирлиги 165 килограмм эди.

***Энг йирик ҳисоб:*** халқаро учрашувлардаги энг йирик ҳисоб 17:0 га тенг. 1951 йилнинг июнида Англия Австралия терма жамоаси дарвозасига шунча тўп киритган. 1997 йилда Эрон терма жамоаси ҳам Мальдив терма жамоасини шу ҳисобда мағлуб этган. Ички 1973 йилда Аргентинанинг «Индепендент» ва «Гимнасия и Эскрима де ла Плата» жамоалари ўйинида Маглиони 1 дақиқаю 50 сония ичида учта тўп киритган. Расман қайд этилган энг тез хет-трик «Блэкпул» ўйинчиси Эфраим Жок Доддсга тегишли. У 1942 йилнинг февралида «Транмер Роверс» жамоаси дарвозасига 2,5 дақиқа ичида 3 та гол урган. «Гиллингхем» ўйинчиси Жим Скарт ҳам 1952 йилда «Лейтон Ориент» билан бўлган ўйинда шу натижани қайд этган. «Куин оф Саут» футболчиси Томми Брайс 1993 йилда «Арброт»га қарши ўйинда 9,10,11-дақиқаларда тўп киритган. Жон Макинтайр ("Блэкберн Роверс") 1922 йилда «Эвертон» билан бўлган ўйинда 5 дақиқа ичида 4 та гол урган. Уилям Ричардсон ("Вест Бромвич Альбион") 1931 йилда "Вест Хэм Юнайтед"га дастлабки 5 дақиқа ичида 4 та гол киритган.

чемпионатдаги рекорд эса Шотландиянинг «Арброат» жамоасига тегишли. 1885 йилги Шотландия кубоги учрашувида ушбу жамоа «Бон Аккорд» жамоасини 36:0 ҳисобида ютган.

***Энг тез ҳет-трик:*** «Тоттенхем Хотспур» футболчиси Жорж Холл 1938 йилда Ирландия терма жамоаси дарвозасига 3,5 дақиқада 3 та гол киритиб, халқаро учрашувдаги энг тез хеттрик муаллифига айланган.

# ЯҚҚОЛ ФАВОРИТ КИМ?

***Ўтаётган ҳафтада «миллионлар ўйини» ишқибозлари бир-биридан қизиқарли учрашувларнинг шоҳиди бўлишди. Яъни, Европанинг кучли жамоалари УЕФА чемпионлар лигаси чорак финал дастлабки учрашувларини ўтказишди.***




Италиянинг Милан шаҳридаги Сан-Сиро стадионида маҳаллий «Милан» ва Мюнхеннинг «Бавария» жамоалари ўртасидаги баҳс 2:2 ҳисобида жанговор дуранг билан якунланди.

Эйндховенда ўтган «ПСВ Эйндховен» ҳамда «Ливерпул» учрашувида англияликлар голландларга имконият қолдиришмади-0:3.

Италиянинг «Рома» ва Англиянинг «Манчестер Юнайтед» жамоалари ўртасидаги ўйинда «Рома» футболчилари биринчи бўлимнинг сўнгги дақиқаларида, яъни 44-дақиқада ҳисобни очишди. Таддей яқин масофадан туриб рақиб дарвозасини ишғол қилди. Иккинчи бўлимнинг 15-дақиқасига келиб «МЮ» ярим ҳимоячи Криштиану Роналду майдон марказида икки ҳимоячини алдаб ўтиб, тўпни Оле Гуннар Сулшерга узатди. Сулшернинг ажойиб тўп ташлашидан сўнг Уэйн Руни чиройли зарбаси билан мувозанатни тиклади – 1:1. Ана шу голдан сўнг италияликлар сафида ўйинчи алмаштирилди ва майдонга сербиялик Вучинич тушди. Айнан Вучинич 66-дақиқада римликларга ғалаба келтирувчи голни киритди- 2:1.

Лондан шаҳрида, «Стемфорд Бридж» стадионида эса «Челси» ва «Валенсия» жамоалари баҳсида испанлар меҳмонда ғалаба қозониши ҳам мумкин эди. Лекин Дрогба бунга йўл қўймади. Силванинг 30-дақиқада киритган голига 53-дақиқада Дроғба боши билан тўп киритиб, жавоб қайтарди. Якунда «Валенсия» футболчилари 1:1 ҳисобни сақлаб қолишди ва жавоб ўйини олдидан жуда яхши имконият қўлга киритилди.

1/4 финалнинг жавоб учрашувлари 10 ва 11 апрел кунлари бўлиб ўтади.

# Янги рукн:

## ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИ БЎЙЛАБ

*Ким ҳам саёҳат қилишни ёқтирмайди дейсиз?! Албатта турли давлатлар, шаҳарлар, қизиқарли ва ажойибу ғаройиб масканлар ҳамда қадамжоларни бориб кўриш, жилла қурса, телевизор қаршисида ўтириб томоша қилиш ҳаммамизга хуш ёқади. Ахир, халқимиз бежиз айтмаган: юрган дарё, ўтирган бўйра, деб.*

*Ана шу жиҳатларни эътиборга олиб, азиз муштарийларимизга дунё давлатлари ва шаҳарлари ҳақида қисқача маълумотларни бериб боришга қарор қилдик. Чунки Хитой ёки Россия каби давлатлар ва уларнинг алоҳида жиҳатларини қисман бўлса-да, билганимиз ҳолда Бутан ёки Белиз каби мамлакатлар ҳақида гап кетганда, елка қисишимиз тайин.*

*Шу нуқтаи назардан саёҳатимизни Ҳиндистон давлатидан бошлашга қарор қилдик. Нега, деб ҳайрон бўлишингиз мумкин. Чунки биринчидан, камина ушбу мамлакатни бориб кўришга муваффақ бўлганман, қолаверса, у Рус императорлари-ю инглиз қиролларини, Наполеон Бонапартни ўзининг беҳисоб бойликлари билан қизиқтириб келган. Боз устига биз ҳинд халқи, Ҳиндистонга оид кўплаб маълумотларни дилтортар филмлар орқали анча яхши биламиз. Бинобарин, билимимизни янада бойитсак, бунинг нимаси ёмон?..*



Ҳиндистон давлат герби

Саҳифа муаллифи: Нурбек ЮЛДОШЕВ



Аградаги Тож Маҳал меъморий мажмуаси

Ҳиндистон дарвозаси



## Шахмат ва сарилар ватани

Ҳиндистон ёки маҳаллий аҳоли тилида Бхарат жуда қадимий ва улкан давлатлардан ҳисобланади. Тахминан беш минг йил аввал пайдо бўлган ушбу мамлакат ер майдони қарийб 3,3 миллион км.кв. га тенг. Қадимги цивилизация ва ажойиб санъат ҳамда маданият хазинаси ҳисобланган ўлкада шахмат, ўнли саноқ тизими, бир қатор диний ва фалсафий қарашлар дунёга келган. Шунингдек, чой, шоли ва шакарқамиш каби ўсимликларни етиштириш илк бор Ҳиндистонда амалга оширилган.

## Киносаноат ҳамда компьютер дастурлари

Дарҳақиқат, Ҳиндистон деганда кўпчиликнинг кўз олдига ҳинд киноусталари томонидан тайёрланган ва таъбир жоиз бўлса, барчамиз севиб томоша қиладиган бадиий филмлар келади. Мамлакатда бир йилда ўртача 700-800 дан ортиқ кинофилмлар яратилади. Асосий киностудиялар Мумбай, Деҳли, Калькутта, Мадрас каби шаҳарларда жойлашган бўлиб, улардан Мумбайдаги «Болливуд» студиялар тизими уларнинг энг пешқадамидир. «Болливуд» – маҳаллий аҳоли тилида «FILMISTAN» (Филмистан) деб ҳам аталади. Халқимиз Раж Капур, Наргис, Дхармендра, Митхун Чакраборти каби актёрлар қатори Амитабх Баччан, Шоҳруххон, Кажол, Айшвария Райларни яхши билишади ва чуқур ҳурмат қилишади. Бунга 2006 йилнинг охирларида Раж Капур фарзандларининг юртимизга қилган ташрифини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Юқорида бежизга компьютер дастурларини тилга олмадик. Ҳиндистон айни пайтда фан-техника, шу жумладан, компьютер технологиялари жадаллик билан ривожланаётган давлатдир. Бундан ташқари, медицина, атом энергетикаси ва айниқса, космонавтика соҳаларида дунёнинг илғор давлатларидан бирига айланиб бормоқда. Ваҳоланки, ўтган асрнинг ўрталарида ҳам у қолоқ мамлакатлардан ҳисобланарди.

Ҳиндистонни баъзилар ҳазил тариқасида Рикшалар юрти, деб ҳам аташади. Деярли барча жойда «скутер» деб номланадиган моторикша-таксилар мавжуд. Шунингдек, темир йўл транспорти анча каттагина салмоққа эга.

## Бобурнинг иккинчи юрти

Юқорида таъкидлаганимиздек, милоддан аввалги III-II минг йилликларда Ҳиндистоннинг шимоли ғарбидаги Ҳинд дарёси водийсига ҳинд-орий қабилалари кириб келган ва илк давлатларга асос солган. Кейинги юз йилликларда эса ушбу бой ўлкага навбати билан грек-македонлар, форслар, туркий халқлар ҳамда инглизлар бостириб келишган. Улардан баъзилари ўзларининг салтанатларини тиклашган. Шу ўринда машҳур ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур асос солган Бобурийлар империясини (1526-1758 йй) эслаб ўтиш жоиздир. Тарихдан маълумки, 1498 йилда португалиялик Васко да Гама денгиз орқали Ҳиндистонга бориш йўлини кашф қилиб, европаликларнинг иштаҳасини очиб юборди. 1757 йилда инглизлар томонидан протекторат ўрнатилди. XX асрнинг 50-йилларида, тўғрироғи, 1947 йилда мамлакат мустақилликка эришди.

## Миллати кўп мамлакат

*Бежизга бу тўхтамга келмадик. Дунёнинг хеч бир давлатида бу ердагидек миллатлар хилма-хиллиги мавжуд эмас. 150 дан ортиқ миллат, қарийб 1,1 миллиард аҳолига эга. Мамлакатда аҳолиси 50 миллиондан ортиқ бўлган 10 та миллат мавжуддир. Улар – ҳиндлар, бенгаллар, маратхилар, ражастхонликлар, ориссаликлар, гужаратликлар, панжобликлар, телегулар, тамиллар ва бошқалар. Ҳиндистон қабилаларнинг кўплиги билан ҳам ажралиб туради. 400 дан ортиқ қабилаларда аҳолининг умумий миқдори 40 миллион кишини ташкил этади.*

*Шунингдек, мамлакат аҳолиси ўзининг диний таркиби билан ҳам ажралиб туради. Буддавийлик дини гарчи Ҳиндистонда пайдо бўлган бўлса-да, аҳолининг тахминан 15 фоизи ислом динига, ундан камроғи эса христиан динига эътиқод қилади. Маҳаллий динлар ҳам мавжуд.*



Мирзо Ҳумоюн мақбараси



Қутб минораси

## Йирик шаҳарлар – ҳиндлар ифтихори

Мамлакатда Деҳли, Мумбай, Калькутта, Ҳайдаробод, Бангалор, Мадрас, Пуна, Агра, Жайпур каби 20 дан ортиқ йирик ва айтиш мумкинки, миллионер шаҳарлар мавжуд. Уларнинг аҳолиси ва ҳудуди йил сайин катталашиб бормоқда.

***Деҳли*** шаҳри – мамлакатнинг пойтахти ҳисобланади. Унда тахминан 11 миллион аҳоли яшайди. Шаҳар қадимийлиги билан ажралиб туради. Қўлёзмаларда ёзилишича, қадимда «Индрапрастха» деб аталадиган шаҳар «Маҳобҳорат» достони қаҳрамонлари ака-ука Пандавлар томонидан қурилган экан. Шаҳар Бобурийлар даврида катта аҳамиятга эга бўлган. 1911 йилда мамлакат пойтахти Калькуттадан Деҳлига кўчирилган.

XIII асрга тегишли Қутб Минор минораси, XVI асрга оид Ҳумоюн мақбараси каби тарихий қадамжолар ҳанузгача сайёҳларни ўзига жалб қилади. Инглизлар томонидан босиб олингандан сўнг шаҳар икки қисмдан иборат тарзда (Эски ва Янги Деҳли (Нью Дели)) ривожлана борди.

***Мумбай*** – мамлакатнинг энг йирик ва аҳолиси кўп шаҳри. Маъмурий-сиёсий нуқтаи назардан мамлакатнинг ғарбий дарвозаси ҳисобланади. Мумбай шу номли оролда жойлашган бўлиб, инглизлар томонидан «Орзулар ўлкаси» (The Land of Dreams) деб номланган. Аҳолиси 13 миллион кишидан ортиқ. Мамлакатнинг асосий денгиз порти ва киносаноат «пойтахти» ҳам ушбу шаҳардир. Жанубий қисмида жойлашган Колаба ва Форт даҳаларини кўп қаватли уйларнинг кўплиги сабабли ҳиндлар «Манхеттени» деб аташади. Шаҳарда бир қанча фармацевтика ва енгил саноат корхоналари мавжуд.

***Калькутта*** – Нобел мукофоти соҳиби Робиндранат Тагор туғилиб ўсган шаҳар. Инглизлар томонидан ташкил этилган Ост-Индия колонияси маркази ҳисобланадиган ушбу шаҳар мамлакатнинг шарқида, Ганг дарёси дельтасида жойлашган. Аҳолиси тахминан 6 миллион кишини ташкил этади. Хариталарда денгиз қирғоғида тасвирланган бўлса-да, аслида у дарё бўйлаб денгиздан 140 километр олисликда жойлашган. Ҳиндистоннинг метрополитен мавжуд бўлган ягона шаҳридир.

***Бангалор*** – Ҳиндистоннинг «Силиконли водий»си. Бундай аталишига сабаб АҚШдаги илм-фан марказига тенглаштирилганидир. Яъни Бангалорда мамлакатнинг асосий фан-техника, илмий марказлари мавжуд. Янги-янги компьютер дастурлари, аэронавтика ва космонавтика кашфиётлари, фаннинг илғор, замонавий янгиликлари билан тўла таъминланган. Илмий марказ ва бир қатор илмий-тадқиқот институтлари мавжуд. Аҳолиси 5 миллион кишига яқин.

***Агра*** – дунё мўъжизаларидан бири Тож Маҳал жойлашган шаҳар. Гарчи жуда катта шаҳар бўлмаса-да, биргина ушбу тарихий ёдгорлик ўзига миллионлаб саргузашт ихлосмандларини жалб қилиб келмоқда. Кимда-ким Ҳиндистонга саёҳат қилса-ю, ватанига қайтиб келса, ундан албатта «Тож Маҳални кўрдингми?» деб сўрашади. Бобурнинг тўртинчи авлоди ҳисобланган Шоҳ Жаҳон томонидан малика Мумтоз Маҳалбегимга атаб қурилган ушбу обидага оппоқ, товланувчи мармар билан зеб берилган. Айтишларича, Шоҳ Жаҳон Тож Маҳалнинг рўпарасида қора мармар билан безатилган худди шундай яна бир кошона қурмоқчи бўлган ва уларни баланд осма кўприк билан боғлашни ҳам ният қилган экан. Афсуски, у бу ниятларини амалга ошира олмаган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, Ҳиндистон тўғрисидаги берилган маълумотларимиз денгиздан бир томчи холос. Тарихи, миллати, ўзига хос менталитети билан дунёнинг барча халқларини доимо қизиқтириб келган ушбу диёр ҳали-ҳамон сирлилигича қолиб келмоқда.

## АРЗОННИНГ ШЎРВАСИ ТАТИМАС

Лондон марказидаги Оксфорд-стрит кўчасида кийим-кечаклар билан савдо қилувчи янги "Primark" супермаркети очиладиган куни тумонат одам тўпланди. Бунга савдо маркази раҳбарларининг рекламалари сабаб бўлди. Унга кўра, 1 фунт стерлингга хоҳлаган кийимни сотиб олиш мумкин, фақат бундай имкониятдан савдо бошланиши билан бир соат ичида маҳсулот харид қилган харидорлар фойдаланиши мумкин эди. Бундан ташқари, илк харидор сотиб олган нарсасига қўшимча қимматбаҳо совға олиши мумкинлиги ҳам айтиб ўтилганди.

Дўкон эшиклари очилиши билан 3 мингдан ортиқ одам унга бостириб киришди. Оқибатда дўкон ходимларидан 3 киши енгил шикаст олди. Полициячиларнинг саъй-ҳаракатига қарамай, касса ва кийимларни кийиб кўриш хоналари олдида узунлиги 100 кишигача бўлган навбат пайдо бўлди.

Нима ҳам дердик, арзоннинг шўрваси татимас деб шунга айтишса керак-да.



Шаҳрисабз. Оқсарой меъморий мажмуаси.

## Жумбоқ

САВОЛ:
У Арнольд Шварценеггерда узун, Майкл Фоксда қисқа. Мадоннада умуман йўқ, Рим папаси эса ундан аллақачон фойдаланмай қўйган. Нима ҳақда гап кетмоқда?

Жавоб: Фамилия

## Йўғ-э...

Машҳур бастакор Бетховен мусиқа басталашдан олдин бошидан совуқ сув қуйиб юборар экан. У бу усул мия фаолиятини яхшилайди, деб ҳисоблаган.

## Бир куни Афанди...



**Афандига хотини деди:**
**— Шу кунларда сиз мени яхши кўрмайдиган бўлиб қолдингиз?!**
**Афанди:**
**— Тўғри, жоним, қачон кўзойнагимни тузаттириб келасан?**

## Афоризм

*Ақлли инсон бошқалар билан зиддиятга бормай, ўз қарорларида қатъий бўлади. Оломонга қўшилмайди, аммо у билан аҳилликда яшайди.*

**Хитой халқ мақоли**

## Изоҳи сиздан...



Диққат бўлма мушуквой,
Сенда етарлик чирой,
Вафодор бўл мен каби,
Дўстларга бўласан бой.

**Асалхон МЎЙДИНОВА, Янгикўрғон тумани 4-мактабнинг 6-синф ўқувчиси**

Юр, «Оппоқой» мультик кўрамиз,
«Том ва Жерри» саргузаштини,
Ана шунда туйсанг эҳтимол,
Дўстлик, ҳамкорликнинг гаштини.

* * *

«Вафо» билан «Саришта»
Аҳилдирлар ҳар ишда.
Иноқлик керак ахир,
Дунёни қутқаришда.

**Рустам САТТОРОВ, Наманган шаҳри, ҳуқуқшунос**

— Нима бўлди қадрдон,
Нега хомушсиз бугун?
— Бетобман-ку дўстгинам,
Томоқ чатоқ негадур,
— Шамоллабсиз сиз демак,
Тез дори ичиш керак.

**Нозима АҲМАДБЕКОВА, Тошкент шаҳридаги 279-мактабнинг 9-синф ўқувчиси**



Энг яхши, энг қувноқ изоҳ эгасига махсус совғамиз бор. Энди навбатдаги суратга изоҳ топинг-чи?

Март ойида эълон қилинган изоҳлар ичида энг қувноқ деб янгикўрғонлик мухлисимиз А.Мўйдинованинг ижоди топилди. Мухлисимиздан таҳририят билан боғланишини сўраймиз.
Яна бир гап. Энди мухлисларимиздан изоҳталаб суратларни ҳам кутиб қоламиз.

# Мунажжим башорати

(9 – 15 апрел)



ҚЎЙ. Чет элда ўқиш ёки хорижга саёҳат билан боғлиқ ишларингиз муваффақиятли ҳал бўлиши кутилмоқда. Чоршанба куни мулоқот доирангизда янги шахслар пайдо бўлади. Қисқа муддатли сафарга чиқишингиз мумкин. Пайшанба ва жума кунлари дўстлар ва ҳамфикрлар билан дилдан мулоқот қилиш учун қулай.



БУЗОҚ. Ҳафтани аъло кайфиятда бошлайсиз. Душанбадан амалий ишга киришинг, сешанбада қувончли хабардан мамнун бўласиз. Молиявий масалаларни чоршанба кунига қолдирганингиз маъқул. Пайшанба куни фойда келиб турган манбани ўзгартириш ҳақида яхшилаб ўйлаб кўринг. Дам олиш кунларида дўстлар билан шаҳар четига чиқиб келишингиз мумкин.



ЭГИЗАКЛАР. Душанба ва сешанба кунлари сафар ва йўлларда эҳтиёт бўлиб ҳаракат қилинг. Одам гавжум жойлардан йироқроқ юринг. Кишилар билан муносабатда самимий бўлишингиз лозим. Акс ҳолда бунинг жабрини ўзингиз кўрасиз. Пайшанбада янги ҳамкорлар пайдо бўлиши кутиляпти.



ҚИСҚИЧБАҚА. Бу ҳафта бироз қийинроқ кечса-да, сиз учун омадли келади. Душанба куни ишда кўп тер тўкишингизга тўғри келади. Чоршанба харид учун қулай. Жиддий қарорлар қабул қилишда сал эҳтиёткорроқ бўлган маъқул. Ҳафта охирида ажойиб янгилик эшитасиз. Дам олиш кунларини яқинларингизга бағишланг.



АРСЛОН. Ушбу ҳафта қувончли воқеаларга бой бўлиши кутилмоқда. Ўзингизни кўрсатиш учун янгидан-янги имкониятлар пайдо бўлади. Лекин бу билан ҳавоaниб кетманг. Ақл билан иш кўриш ҳеч вақт панд бермаган. Дам олиш кунларида сизни соғинган яқинларингиз ҳақида ҳам бир эслаб қўйинг.



ПАРИЗОД. Ҳафта сизга кўпгина кутилмаган совғалар тайёрлаб қўйибди. Уларнинг айримларидан қувонсангиз, айримлари сизни хафа қилиши мумкин. Ортиқча танқиддан эҳтиёт бўлинг, бу фақат вазиятни чигаллаштиради. Дам олиш кунини яхшиси иккинчи ярмингиз – аёлингиз билан ўтказинг.



ТАРОЗИ. Ҳафта мобайнида янги алоқаларни мустаҳкамлаш, ҳамкорлар орттириш имкониятлари пайдо бўлади. Пайшанбада ўқиш билан боғлиқ молиявий муаммолар юзага келиши мумкин. Ҳафтани кўнгилли якунлашни истасангиз барча қобилиятингизни ишга солинг, ахир сиз кимгадир қарам бўлишни истамайсиз-ку...



ЧАЁН. Ҳафта боши иқтисодий жиҳатдан ёқимли бошланади. Ҳатто дурустгина даромаднинг ҳам иси келаяпти. Пайшанба куни қўшимча иш олишингиз мумкин. Жума бизнесдагилар учун энг омадли кун. Шанба ва якшанба кунлари тоза ҳавода сайр қилишни маслаҳат берамиз.



ЎҚОТАР. Ҳафтанинг дастлабки икки куни унчалик яхши ўтмайди. Лекин сиз бундан асло хафа бўлманг. Чунки пайшанбада анчадан буён кутиб юрган қувончли хабарни эшитасиз. Жума кредит олиш, суғурта ва бошқа молиявий масалаларни ечиш учун қулай. Дам олиш кунида эса дўстлар давраси сизга асқотади.



ТОҒ ЭЧКИСИ. Ҳафта бошидан ишга кўмилиб кетасиз. Лекин бу кайфиятингизга асло таъсир қилмайди. Ўйлаб қўйган, анчадан буён орзу қилиб юрган режаларингизни амалга ошириш пайти келди. Фақат узоқ сафарга отланишни хаёлингизга келтирманг. Якшанбада дам олинг. Ҳар нарсада меъёр борлигини унутманг.



ҚОВҒА. Сиз учун қулай кун чоршанба ва жума. Айни мана шу кунларда бемалол келажак режаларингиз билан боғлиқ жиддий масалаларни ҳал этиб олишингиз мумкин. Пайшанба куни янги таниш орттириш эҳтимоли бор. Шанба куни иложи борича ёлғиз бўлинг. Ўзингизга ҳам, бошқаларга ҳам фойдаси тегади.



БАЛИҚ. Бутун ҳафта давомида дам олиш кунларига тайёргарлик бўлиши кутилмоқда. Айнан шу кунларда сиз «инсон дунёга бир марта келади» деган иборанинг маъносини тушуниб етасиз. Фақат бунинг учун бошқа кунлари бир оз тер тўкишга тўғри келади. Пайшанба куни эса ишга жамоат транспортида борганингиз маъқул.

Ishonch

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати:
Алла Долженкова, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари), Маъмура Адилова, Мирзоҳид Содиқов, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримқул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шамси Эсонбоев, Элёр Ёқубов, Ғуломзокир Юсупов

Бизга қўнғироқ қилинг:
Котибият: 153-52-78
Хатлар бўлими: 153-85-43

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 2 босма табоқ.

Бизнинг манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

E-mail: ishonch-doverie@mail.ru

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.
Тижорат аҳамиятига молик материаллар ⓗ белгиси остида чоп этилади.

Навбатчи котиб - Ж.Шарофбоев
Навбатчи муҳаррир - А.Ҳақбердиев
Навбатчи - Ҳ.Жўраева
Мусаҳҳиҳ - А.Ёрбеков

Саҳифаловчи-дизайнер: Ж.Юнусов, Ю.Михайловский

Буюртма Г– 314 Тиражи: 17255

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.00

Сотувда эркин нархда 2 3 4 5 6 7 8